БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 24 (4123)
30 ЯНВАРЬ, 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқларнинг Совет Иттифоқи билан Вьетнам ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кунининг 30 йиллиги муносабати билан ВСР Президенти Тон Дик Тханга, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуанга, ВСР Миллат мажлиси доимий комитетининг Раиси Чионг Тинга ва ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донгга йўллаган табрик телеграммалари эълон қилинган.

● Кеча Тошкентда республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда саноат, транспорт ва алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматнинг 1979 йилги иш якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида 1980 йилги социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга оид вазифалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Актив йиғилишида Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш ҳақидаги батафсил ҳисобот ва республика меҳнаткашларининг 1980 йилги социалистик мажбуриятлари бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Халқнинг юксак ишончи

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Округ сайлов комиссиялари Тошкент тепловоз депосининг машинисти **Ҳабибулло Олимжонович Исамуҳамедовни** 48-Шумилов сайлов округидан, Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг раиси **Энмарк Солиҳовни** 12-Киров сайлов округидан, «Главташкентстрой»га қарашли 4-қурилиш трестининг гишт теручвчиси **Мария Андреевна Колпаковани** 16-Куйбишев сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Сергей Николаевич Рижовни** 26-Красноармейск сайлов округидан Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олдилар.

(ЎзТАГ).

Агитпункт чорлаяпти

Собир Раҳимов районидаги В. И. Ленин номли 28-ўрта мактабда 32/36-сайлов участкаси жойлашган. Участка агитпункти кўнгилдагидек қилиб жиҳозланган. Бу сайловчиларга катта қулайликлар яратди. Стол устида биричи марта овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ёшлар учун керакли адабиётлар, турли хил газета ва журналлар қўйилган. Юрист бурчаги ташкил этилган. Ундан сайловчилар фойдаланишмоқда.

Сайловчиларга агитпунктда навбатчилик қилишаётган ўқитувчи-агитаторлар «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик сайлов системаси» эканлиги ҳақида суҳбатлар олиб бормоқда. Л. И. Брежнев хотираларидан тарихий фотостенд, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар, навбатчи агитатор рўйхати осиб қўйилган.

— Агитаторлардан С. Алимуҳамедова, Х. Абдуазимова, Ш. Абдугафурова, Н. Халилова, Н. Обилова ва М. Асқаровалар Сариқсув ва Гуруч ариқ, Абдураҳмонов кўчаларида яшовчи аҳоли ўртасида сайлов олди агитация-пропаганда ишларини план асосида олиб боришмоқда ва сайловчиларни агитпунктда ўтказиладиган тадбирларга таклиф этишяпти, —дейди агитпункт мудири Васила Хўжаева.— Мактабда 35 агитатор ишлаб турибди. «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси оталиқ ёрдами бериб келмоқда. Улар ёрдамида агитпунктда Собир Раҳимов райони ўнинчи беш йилликда деган стенд ташкил қилинди.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: В. И. Ленин номли 28-ўрта мактабда жойлашган 32/36-сайлов участкасининг агитаторлари (чапдан-ўнгга) Ш. Абдугафурова, Н. Халилова, Ш. Содиқова ва Ҳ. Акмалов.

Автор фотоси.

Пойтахтимизнинг бир куни

Ленинча меҳнат вахтасида

«Қизил шанбалик» тараддуди | **Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун**

Шаҳодат Шоназарова нўл йиллардан буён «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқув цехида баранги меҳнат қилиб келади. Моҳир тўқувчи меҳнатда фаоллик кўрсатганлиги учун III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан мукофотланган. Коммунистик меҳнат зарбдори ёшларнинг ҳам меҳрибон устозидир. У смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТРАНСПОРТЧИЛАР ЗАФАРИ

БУГУН

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трести автомобиль хўжаликлари транспортчиларини г йил бошидан буён ташиб берган халқ хўжалик юклари 2 миллион тоннадан ошиб кетди. Бу январь ойи планидагидан 15 минг тонна кўп, демакдир.

Трестнинг автомобиль корхоналари шаҳар ва Тошкент областидаги 400 дан ортиқ корхона, ташкилот, қурилиш ва муассасаларга транспорт хизмати кўрсатмоқда. Айниқса, бригада пудрати асосида ишлаётган 48 та коллектив юксак кўрсаткичларга эришди. Жумладан, мусобақада пешқадамлик қилиб келаётган А. Болохов, Ю. Нодирмаҳаматов, А. Хўжаев бошлиқ бригадалар юқори натижаларга эришиб, доҳий В. И. Ленининг юбилейини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Йилдан-йилга бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони орта боряпти. Бу борада Георгий Мезников бригадаси ташаббус кўрсатмоқда. Мазкур коллектив мана бир неча йилдирки, бир қатор улгуржи-савдо базалари билан ўзаро шартнома тузиб, 20 тониали юк контейнерларини Шумилов станциясидан мижозларга ўз вақтида етказиб беряпти.

Бу йил трест автомобилчилари рекорд кўрсаткичга эришиб, 27.380 минг тонна, шу жумладан, пландан ташқари 280 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб берадилар.

БАШАРИЯТ ДОҲИЙСИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

БУГУН

трактор заводининг барча цехларида ва маданият саройида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан дастлабки тадбирларни ўтказиш бошланди. Бу тадбирлар «Ленинизм— давримизнинг революцион байроғидир» деган шиор асосида ташкил этилган. Корхонанинг цехларида фан ва маданиятимиз арбоблари, меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ишчилар ҳузурида бўлиб, бугунги бахтли ва фаровон турмушимиз ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Кўпгина конкурслар ва кўрикларнинг қатнашчиси бўлган агитбригада коллективи «Рапортимизни қабул этинг» деган ном остида махсус композицион программани репитиция қилишга киришди. Ҳаваскорлар ана шу программани коммунистик меҳнат зарбдорларининг слётида намойиш қиладилар. Слётда корхона машинасозлари социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт берадилар.

БРИГАДАНИНГ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИ КАМ ИШЧИ КУЧИ БИЛАН БАЖАРИЛАДИ

УНУМДОРЛИК ОРТМОҚДА

Свердловсклик бинокорларнинг беш йиллик топшириқни кам ишчи кучи билан бажариш ҳақидагиташаббусига Ўрта Осиё транспорт қурилиш трестига қарашли 209-қурилиш бошқармасиниг Ленин ордени кавалери Эшмурод Йўлдошев бошлиқ бригадаси биринчилардан бўлиб қўшилган эди.

— Коллективимиз аъзолари ўз ишларига нисбатан масъулият билан ёндошишлари, меҳнат беллашуви яхши йўлга қўйилганлиги, ҳар бир қурувчи аралаш касбларни эгаллаганлиги туфайли план ва топшириқларни ошириб бажаряпмиз,— дейди бригада бошлиғи Э. Йўлдошев.— В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги қунигача беш йиллик топшириқни адо этишга барча қуч ва имкониятларимизни сафарбар этяпмиз.

БУГУН

бригада ўз меҳнат календарида 1980 йилнинг август ойини кутиб олди.

Қўлга киритилаётган ютуқларга бригаданинг Х. Алимов, И. Курешов, К. Гизатулин каби аъзолари катта ҳисса қўшишяпти. Улар ҳар бир ишга виждонан ёндошишиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

● **ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА**

45 ХОНАДОН УЧУН

Пойтахтимизни и н г Ленин кўчасида қад кўтарган осмонўпар бинолар сафига яна бир турар жой бинаси қўшилди. Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинатининг 25-қурилиш бошқармаси пардозлаган бу бинога

БУГУН

ҳамшаҳарларимиз кўчиб кира бошлашди.

Объект қурилишида комбинат 3-монтаж бошқармасининг Р. Ниёзов, 25-қурилиш бошқармасининг В. Савельева, И. Тимофеев етакчилик қилаётган бригадаларнинг азаматлари айниқса катта улуш қўшишди.

Ўнинчи беш йиллик плавини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қадар бажаришга сўз берган бу бригадаларнинг коллективлари шу кунларда йилнинг сўнгги кварталн ҳисобига меҳнат қилишаётир.

СУРАТДА: турар жой бинасининг кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.



АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Ҳамза район идеология активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Район партия комитетининг секретари Н. И. Иброҳимова «КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида район идеология ходимларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Саройнинг иккинчи туғилиши

БУГУН

темирйўлчилар маданият саройининг биносини реконструкция қилиш бўйича қурилиш ишларининг иккинчи палласи бошланди.

Бу ерда бинокорлар саройнинг ички заллари ва хоналарини пардозлашга киришдилар. Саройда 800 квадрат метр ҳажмида турли хоналарга сунъий мармарлар билан пардоз берилади. Бундан ташқари бино фоеси ва залларини чароғон қиладиган 22 та қимматли қандил ўрнатилади.

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

Киров районидаги 70-мактабга жойлашган 42-сайлов участкасида сайловолди тайёргарлик ишлари қизғин тус олди. Сайлов участкасида ташкил қилинган агитпунктда газета-журналларнинг янги сонлари, Совет сайлов системаси ҳақидаги қонунлар, районнинг беш йиллик ривожланиш босқичлари, сайлов участкаси ва агитпунктнинг иш планлари, турли лекция ва суҳбатлар бўладиган кунлар, навбатчи агитаторлар рўйхати кўзга кўринарли жойга осиб қўйилган.

Агитпункт мудири М. И. Факеева, бош агитатор М. Қобулов бошчилигида сайлов олдидан ёш агитаторларнинг йиғилиши бўлди. Унда сайловчилар билан олиб борилиши лозим бўлган суҳбатлар тематикаси ишлаб чиқилди.

Сайловчилар билан бўлган дастлабки учрашувда Киров район прокуратурасининг ходими С. А. Жуманиёзова «Бола тарбиясида ота-она масъулияти, ҳуқуқ ва бурчларимиз» деган мавзуда, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. Усмонов КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Мактаб ўқитувчиларидан ташкил топган 25 нафардан ортиқ агитаторлар ҳозиргача 1500 дан ортиқ сайловчиларни рўйхатга олдилар. Х. Азизова, С. Шокирова, С. Юсупова, Л. Паульсен, М. Дадақўзиева каби агитаторлар сайловчилар билан тез-тез суҳбатлар ўтказмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

19 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁ БИЛАН

Куни-кеча Қўйлиқдаги коммунистик меҳнат коллективи номини олган экспериментал темир-бетон кўприк конструкциялари заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари сменаларарo танаффусда корхонанинг мажлислар залига тўпландилар. Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига апрель ойининг учинчи шанбасида коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватлаш г а бағишланган бу митингни корхона партия ташкилоти секретари А. Н. Хабибуллин очди. Шундан кейин меҳнат ветерани, ишлаб чиқариш мастери Б. Дмитриев, қолипчилар бригадаси бошлиғи Н. Апаршев, М. Короткина, электриклар бригадаси бошлиғи А. Степанян, транспорт цехи механиги Ш. Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, коллективни меҳнат байрами куни ҳар қачонгидан зўр ғайрат билан ишлашга, республикамиздаги, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги йўлсозларнинг буюртмаларини тез ва соз бажаришга даъват этишди.

Митингда қабул қилинган коммунистик шанбаликка тайёргарлик бўйича тадбирлар планида, жумладан, қуйидагилар бор: шу куни коллектив тежалган хом ашё билан ишлаб 220 кубометр темир-бетон кўприк конструкциялари тайёрлайди. Инженер-техник ходимлар ва хизматчилар корхона территориясини ва унинг атрофини кўкламзорлаштириш билан шуғулланишади. 1,5 мингта дарахт ва бута ўтказилади, 800 погон метр сугориш шахобчалари тозаланади.

Шу куни топилган минг сўм иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

ТОШКЕНТ — ОЛИМПИАДА ХИЗМАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ КЎЗГУСИ

БУГУН

республика халқ хўжалиқ ютуқлари виставкасининг тематик павильонида «Ўзбекистон спортчилари Олимпиада — 80 га» деб аталган кўргазма очилди.

Бу тематик кўргазмани ташкил этишдан мақсад Москвада бўладиган жаҳон спортчиларининг катта йиғини олдидан Ўзбекистонда спорт ва физкультура ишларининг қанчалик тараққий этганлиги, спортчиларимизнинг жаҳон анжуманига қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида ҳикоя қилишдир.

Экспонатлар орасидан ўзбек спортининг ёркин юлдузлари бўлган жаҳон чемпионлари Руфат Рисқиев, Собир Рўзиев ва бошқаларнинг суратлари ўрин олган. Кўпгина лавҳалар спорт иншоотларида, корхоналарда мунтазам ўтказилаётган қизиқарли машқлар ва мусобақалар ҳақида ҳикоя қилади. Кўплаб замонавий ва муҳташам спорт комплексларининг бунёд этилганлиги ана шу соҳа учун катта аҳамият берилаётганлиги д а н далолат беради. Шаҳримизлари бундай бир қатор иншоотлар суратларда яққол акс эттирилган.

ДЎСТ МАМЛАКАТГА

Республикамиз олий ўқув юртларининг студентларидан бир группаси Германия Демократик Республикасига туристик сафарга жўнаб кетишди. Бу ёшлар ўтган меҳнат семестри пайтида мамлакатимизнинг зарбдор қурилиш объектларида самарали меҳнат қилиб, ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишган эди. Улар баракали меҳнатлари эвазига имтиёзли туристик йўлланма билан тақдирланишди.

Республикамиз ёшлари дўст мамлакатнинг шаҳарларидаги корхоналарда бўладилар, нелис ёшлари билан қизиқарли учрашувлар ўтказишади.

ДЎСТЛИК РАМЗИ

БУГУН

фабрика ишчиларининг Олимпиада рамзи билан январь ойида ишлаб чиқарган маҳсулоти салкам юз минг сўмликка етди.

Ҳозир корхонада футбол ва волейбол тўпларидан, спортчилар сумкаси каби етти хил буюм жаҳон спортчилари анжумани рамзи билан безатиляпти. Коллектив Олимпиада бошланадиган кунгача фахрли белги қўйилган 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган.

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ БИТМАС-ТУГАНМАС ИЖОДКОРЛИК

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми ёзувчининг актив позицияси ва ҳозирги замон адабий жараёни масаласига бағишланди. Пленум 29 январь куни Тошкентда бўлиб ўтди.

Докладчи — Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Р. Бобожон, музокарада сўзга чиққан нотиқлар совет ёзувчиси ўзининг ҳар бир китоби билан, ҳар бир шеъри сатри билан ер юзида коммунизм, социалистик интернационализм, совет ватанпарварлиги, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ғояларини қарор топтиришга интилиши лозимлигини таъкидладилар. Ўзбек адибларининг ғоявий эътиқодлилиги ва ижодий активлиги, жумладан, йиллар ва ўн йиллар давомида вужудга келтирилган кўп жанрли Ленининомада намоён бўлди. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Шайхзода, Миртемир, Комил Яшин, Уйғун, Зулфия шу Ленининомани вужудга келтиришга ўзларининг илҳомбахш сатрларини қўшдилар. Ўзбекистон бадиий сўз усталари янги авлодлари — Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Гулчеҳра Жўраева ва нўпгина бошқа адиблар Ленининомани давом эттирмоқдалар.

Республика адиблари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига ижодий активликни янада юксалтириш билан тайёргарлик кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

Бугун Тошкент Сибирь антициклонининг таъсирида бўлади. Ҳавонинг босими кечаги дан 12—14 миллибар, камлиги 20—30 процент камайди. Бироз булутланиб ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳаво ҳарорати кечаси 0—5 даражга совуқ, кундузи 5—10 даража иссиқ ўртасида бўлади.

* * *

Об-ҳавонинг бундай кескин ўзгариши айрим суруниклар касалликлар (хроник бронхит, бронхиал астма, ревматизм, радикулит ва бошқалар) билан оғриган кишиларга салбий таъсир этиши мумкин. Ҳавода кислороднинг зичлиги деярли ўзгармайди. Шунинг учун бундай тоза ҳавода нафас олиш енгил бўлади. Ўпкада ҳаво алмашиши осон кечиб, кислороднинг танага ўтиши кўпаяди.

Бизнинг тавсиялар билан танишиб бораётганлар даволовчи врач кўрсатмаларига тўла амал қилишлари лозим.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.

Халқаро мавзуда суҳбат

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ—ҚУРУҚ СЎЗ ЭМАС

Вашингтоннинг халқаро кескинликни юмшатишга путур етказиш ва «совуқ урушни тиклашдан иборат тутган йўли ҳарбий саноат комплекси манфаатлари, шунингдек АҚШ президенти Картернинг сайловолди мулоҳазалари тақозосидир. Бу йўл Ғарбий Европада анча салбий фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Айтиш мумкинки, Картер илгари сурган қуролланиш пойгасини кучайтириш милитаристик сиёсатини ва унинг Совет Иттифоқига қарши иқтисодий чораларини Англия консерваторлари билан Ғарбий Германия «қузғунлари»гина ҳеч сўзсиз қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Ташқи империалистик агрессияни даф этишда СССРнинг дўст Афғонистонга интернационал ёрдам берганлиги шу чоралар учун сохта сабаб бўлганлиги маълум.

Англиядан бошқа Ғарбий Европадаги барча мамлакатларнинг раҳбарлари Картернинг тутган янги милитаристик йўлини халқаро миқёсда, шу жумладан Европада кескинликни юмшатиш ишига нисбатан жиддий таҳдид деб билдилар. Кескинликни юмшатиш 70-йилларда Европа халқлари ҳаётидан мустаҳкам жой олди.

Европаликлар учун кескинликни юмшатиш қуруқ сўз бўлган эмас. Кескинликни юмшатиш Хельскинкида қабул қилинган якунловчи ҳужжатда давлатлар ўртасида тинч муносабатлар тўғрисида, шу жумладан чегаралар нинг бузилмаслиги тўғрисида баён этилган принципларни амалга оширишни белгилади. Кескинликнинг юмшатилиши натижасида Ғарбий Европа давлатлари ва уларнинг фирмалари социалистик мамлакатлар билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида юзлаб шартномалар ва битимлар тузилди. Кескинликни юмшатиш туфайли фан, техника, маданият, спорт соҳасида самарали алоқалар бошланди. Америкaнинг «Уолл-стрит жорнэл» газетаси эътироф этиб ёзганидек, кескинликнинг юмшатилиши европаликларга тамомила реал неъматлар берди ва шунинг учун ҳам улар Сэм амаки (Америка империалистлари)нинг ғаразли манфаатларини деб шу неъматлардан воз кечишни ва бу неъматларни «совуқ урушга қурбон қилишни истамаяптилар.

Брюсселда бўлиб ўтган «Умумий бозор» ва НАТО сессиясида Вашингтон СССРга қарши таклиф этган иқтисодий «чоралар»га Франция, ГФР, Италия ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари қарши чиқдилар. Америка давлат секретари ўринбосари Кристофер Картернинг «қаттиқ йўли»ни қўллаб-қувватловчилар н и излаб Ғарбий Европадаги барча асосий мамлакатларнинг пойтахтларини айланиб чиқди ва ҳеч қандай натижага эришмай, қуруқ қайтиб келди.

Вашингтоннинг социалистик дунё билан савдо-иқтисодий алоқаларни тўхтатиб қўйишга Ғарбий Европа мамлакатларини мажбур этишга уринаётганлиги шу мамлакатлар савдо-саноат доираларини ҳам сира қувонтираётгани йўқ. Ахир бундай йўл Европа ва жаҳон савдосининг бутун системасига зарба беради. Бу система жуда кўп йиллар мобайнида айни шарққа ҳам, ғарбга ҳам бир хилда наф келтириб турган эди. Масалан, Ғарбий Европадаги «Сименс», «Фрид. Крупп», «Хеш» сингари концернларн и н г, Англиядаги «Роллс-Ройс», «Дэви» фирмаларининг ва бошқа кўп фирмаларнинг раҳбарлари социалистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ёқлаб чиқдилар.

Ҳозирги Вашингтон маъмуриятининг кескинликни юмшатиш жараёнини тўхтатишга ва қуролланиш пойгасини кучайтиришга қаратилган йўли қуроллар ишлаб чиқарувчи фабрика эгалари ва НАТО милитаристларининг тор доираси учунгина фойдали ишдир. Неча миллиардлаб олинган фойда ҳарбий саноат концернларининг темир сандиғига тушади. Қурол-яроғларнинг янги турлари ва системаларини, шу жумладан «Першинг-2» ракеталарини ва қанотли ракеталарни ишлаб чиқаришнинг Картер эълон қилган беш йиллик программаси ҳарбий-саноат концернларига бевосита миллиардлаб фойда келтиради.

Шу доираларнинг манфаатларини ифодаловчи сиёсатдонлар кескинликни юмшатиш сиёсатини тугатишга шошилмоқдалар, бу сиёсат сўё фақат «афсона» деб даъво қилмоқдалар. Лекин «совуқ уруш» маддоҳларининг даъволарига қарамай, халқаро кескинликни юмшатиш тамомила реал фактдир. Кескинликни юмшатиш сиёсати айниқса Европада чуқур илдиз отган, бу сиёсат халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб, унинг мухолифларининг кирдикорларига қарамай, давлатлар ўртасидаги муносабатларда етакчи тенденция бўлиб қолиши учун ҳамма имкониятларга эгадир.

В. СЕРОВ.

(ТАСС).

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқув цехи тайёрлов участкаси меҳнатчилари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Кўплаб ишчилар В. И. Ленин юбилейига қадар беш йиллик топшириғини бажариш иштиёқида ёнмоқдалар. Жумладан, ўровчи Надежда Сисоевна Евсеева ва Ирина Навошиналар шунга аҳд қилишган.

Ҳар икки меҳнат пешқадами социалистик мусобақада актив иштирок этиб, смена топшириқларини 110 — 115 процент адо этишмоқда. Улар участкадаги барча ўхшаш касбларни пухта эгаллаб олишган.

Н. С. Евсеева ва И. Навошина ўз меҳнат фаолиятларини жамоатчилик ишлари билан актив боғлаб олиб боришаяпти. Жумладан, Надежда Сисоевна Евсеева тажрибали мураббийдир. У ўз касбини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Унинг кўплаб шогирдлари мустақил ишлаб, кунлик топшириқларини ортиғи билан адо этишяпти.



СУРАТДА: Н. Евсеева ва И. Навошина.

Р. Загратдинов фотолари.

• *Меҳнатинг — зийнатинг*

ЮКСАЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар бир корхонанинг, ҳар бир меҳнат коллективининг ўз ифтихори, шон-шуҳрат йўли бўлади. Менингча ана шу шон-шуҳрат ва ифтихорнинг асосий сабабчиси — ўша корхона ва меҳнат коллективининг бойлигини яратаётган ажойиб кишиларидир. Дарҳақиқат жамиятимиздаги ҳамма умумхалқ бойлиги, ҳамма ғўаллик— бу, инсон меҳнатининг маҳсулидир.

К. В. Ворошилов номидаги Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденига сазовор бўлишида яратаётган ажойиб, серунум пахта териш машиналари билан кекса корхона шон-шуҳратини оламга таратаётганлар ҳам шу корхонанинг қўли гул, меҳнатсевар ажойиб кишиларидир.

Ўн саккиз йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келаман. Шу йиллар мобайнида жуда кўп яхши дўстлар орттирдим, дилкаш одамлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Уларнинг ҳар бири мен учун ота-онам, опа-сингил ва ака-укаларимдек қадрдон ва азиз. Ҳар бир ишчининг меҳнатда эришган ютуғи гўё менинг ютуғимдек туюлади.

Ҳақиқатдан ҳам шундай, чунки биз турли миллат вакиллари бир корхонада бир оила фарзандларидек ягона мақсад йўлида меҳнат қиламиз.

1979 йилда корхонамиз коллективи янги серунум ХНП —1,8 маркали терим машиналарини ишлаб чиқаришни тезда ўзлаштириб, терим мавсуми бошлангунга қадар шу машиналардан 750 тасини дала меҳнатчиларига юборди.

Бизда янги маркадаги машиналарни тезда ўзлаштириш учун цехлар, бўлимлар, участка ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақани янада кучайтириш мақсадида оператив штаб тузилган. Штаб янги деталь ва узелларни ўзлаштиришда ва кундалик графикни таъминлашда ким олдинда ва ким орқада эканлиги тўғрисида жанговар варақа орқали ҳар куни ахборот бериб боради. Бир кун завод дарвозасидан кириб ёшлик йилларини шу муқаддас даргоҳга бахш этишди. Унда: 10-пресслаш цехининг Анатолий Коблов бошлиқ йигувчи-слесарлар бригадаси иш вақтидан самарали фойдаланиб, ўзига биркитилган узеллар ишлаб чиқариш планини икки ҳисса бажариб, энг юқори кўрсаткичга эришди. Илғорлардан ўрнак олинг!» — дейилган эди.

Шу қадар қувониб кетдимки, тўғри цехга бориб, бригададаги ака-ука Анатолий ва Геннадий Кобловларни шунингдек, Виталий Баландинни эришган муваффақиятлари билан чин қалбимдан қучиб табрикладим. Бригада аъзоларининг эришган ютуқлари ҳақида участка катта мастери коммунист Қўққор ака Хўжаев билан суҳбатлашдик.

Бир кун Қўққор ака Анатолийнинг ёнига келиб:— Ука, сенинг бригадангга янги пахта териш машиналарининг мураккаб узелларидан бирини топширмоқчимиз. Ишончим комилки, сизлар буни уддасидан чиқасизлар, деди.

— Ишончингиз учун раҳмат, Қўққор ака. Биз бу узелни тезда ўзлаштириб, кўплаб ишлаб чиқаришга ҳаракат қиламиз,— деди Анатолий мастерга ва бригада аъзолари ёнига бориб, топшириқни тушунтирди. Улар топширилган узелни тезроқ ўзлаштириш учун сменадан кейин ҳам қолиб ишлашди. Қилинган меҳнат зое кетмади. Улар кутилгандан ҳам яхши натижага эришиб, тез орада кўп минг кишилик коллектив ўртасида танилди.

Заводга ишга келганимдан бери ака-ука Анатолий, Геннадий Кобловларнинг отаоналарини яхши биламан. Улар ҳам фарзандларидек бир вақтлар чарчаш нима эканлигини билмай, навқирон ёшлик йилларини шу муқаддас даргоҳга бахш этишди. Эсимда саккизинчи беш йилликнинг сўнгги йиллари эди. Бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини айни қизғин бир пайтда, Анатолий ва Геннадийнинг отаси — коммунист Михаил Иванович Коблов ҳам ўз зиммасига юксак мажбурият олиб, беш йиллик планни В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бажаришга қарор қилган эди. Унинг бу ташаббусини завод партия комитети қизғин маъқуллади ва оммалаштирди. Бу қиммат-зафари ҳақида участка катта мастери коммунист Қўққор ака Хўжаев билан суҳбатлашдик...

Орадан ўн йил ўтгандан кейин Михаил Ивановичнинг ўғиллари ота изидан бориб, бугуни кунда доҳий В. И. Ленининг 110 йиллик юбилейи шарафига бошланган умумхалқ мусобақасининг олдинги сафларида боришмоқда.

Ана шундай ишчи сулолаларидан яна бири Хошимовлар оиласидир. Бу оила фарзандлари Комилжон, Қобилжон, Ҳасанжон ва Ҳусанжонлар билан ака-укадек бўлиб кетганмиз. Ҳар гал бу аҳил оилда бўлганимда бир олам қувонч билан қайтаман. Оила аъзолари бирбирини ғоят ҳурмат қилади, меҳрибон, меҳмондўст, маҳалларда обрў орттирган. Бунда оила бошлиғи Олимжон аканинг ҳиссаси бениҳоя катта. Олимжон ака узоқ йиллардан бери В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилиб келади. Олимжон аканинг фарзандлари ота ўгитларига амал қилиб, унинг изидан бориб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлишяпти. Корхонамизда меҳнат қилиб келаётган ака-ука Комилжон, Қобилжон, Ҳасан-Ҳусанларни барча ифтихор билан тилга олади. Отахон ишчининг фарзандлари ўз меҳнатлари билан оила, коллектив шон-шуҳратини оширишяпти.

Комилжон актив жамоатчи, завод касаба союз комитетининг аъзоси, Қобилжон — кўп йилдардан бери Ҳамза район Советининг депутати, Ҳасан — ВЛКСМ XVII съезди делегати бўлган, ҳозир эса Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси, учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени эгаси, Ҳусан эса, ВЛКСМ XVIII съезди делегати. Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати. Ҳозир Ҳасан ва Ҳусанлар Тошкент автомобиль йўллар институтининг кечки бўлимида ўқишади.

Агар Хошимовлар оиласининг бир ойлик даромадини ҳисоблаб чиқилса, минг сўмдан ҳам ошар экан. Уларнинг умрига, ризқига барака киритаётган нарса— аввало, оиладаги тотувлик, бирбирини яхши тушунишида, ҳалол меҳнат қилишида, деб биламиз.

Корхонамизда ишчи оилалар кўплаб топилади. Заводнинг 10-пресслаш цехида 40 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Абдулла Тошпўлатов оиласи ҳам жуда табаррук оилалардан ҳисобланади. Ветеран ишчининг кўп йиллик фидокорона меҳнати Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, медаллар ва қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Абдулла аканинг ўғли Убайдулла отасининг ёнида ишлаб чиқаришдан ажралмай, кечки-ишчи ёшлар мактабини, кейин завод қошидаги кечки машинасозлик техникумини муваффақиятли тугатиб, ҳозир участка мастери лавозимида ишлаяпти. Шу ерда уни Коммунистик партия сафига қабул қилишди, кўксига учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени тақилди. Абдулла аканинг икки қизи ҳам заводда ишлайди..

Ҳа, заводимиз коллективининг қўлга киритаётган меҳнат зафарларини юқорида номлари тилга олинган ажойиб ишчизодалар ва ишлаб чиқариш новаторларимиз тасаввур қилиши қийин. Машинасозларимизнинг меҳнат ғайратлари туфайли КПСС XXV съездидан кейин ўтган тўрт йил мобайнида ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарининг сони 30 мингтадан ошиб кетди.

Корхонамиз машинасозлари якунловчи йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда сўзлаган ёрқин нутқидан келиб чиқадиган хулосалар ва йўл-йўриқлар асосида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига байрамига тайёргарлик туфайли юксак кўтаринкилик вазиятида меҳнат қиляптилар.

Шуниси қувончлики, йил бошидан 14 ХВ— 24А маркали пахта териш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача уч мингтадан кўпроқ шундай машиналар тайёрланади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқида партия XXV съездидан кейинги ўтган тўрт йил ичида совет кишиларининг фидокорона меҳнати туфайли халқ хўжалигимизнинг барча соҳаларида қўлга киритган катта ютуқларимизни қайд қилиш билан бирга, ўнинчи беш йиллигининг сўнгги якунловчи йилида, шунингдек ўн биринчи беш йилликда ёқилғи ва энергия ресурсларидан унумли фойдаланиш, капитал қурилиш соҳасидаги ишларни янада яхшилаш, темир йўл ва бошқа транспорт воситаларини яхши ишлатиш, хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш, маҳсулот сифатига эътиборни янада кучайтириш, совет кишиларининг саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга оид принципиал масалаларни ўртага ташлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нуқтида мамлакатимиз экономикасини янада юксалтиришнинг туб проблемалари, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини анча оширишнинг, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг конкрет йўлларини белгилаб берди.

Мен Пленумда қатнашиб, қадрли Леонид Ильич Брежневнинг нутқини зўр эътибор билан тинглар эканман, қўлга киритаётган ютуқларимиз қанчалик улкан бўлмасин, ҳали ишимизда бир қатор нуқсонлар ва камчиликлар мавжудлиги, ишга солса мумкин бўладиган битмас-туганмас резервларимиз ҳали жуда кўп эканлигини дилдан ҳис этдим.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми ва шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг программ нутқи мавжуд камчиликларимизни тезда бартараф этишда улуғ жамиятимизнинг олға қараб силжишида, йўлчи-юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Биз, ишчилар жонажон партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари моддий фаровонлигини ошириш, социалистик экономикамизни янада юксалтириш борасида тинмай қилаётган оталарча ғамхўрлигига жавобан, янада самаралироқ меҳнат қилиб, улуғ доҳиймиз В. И. Ленинг туғилган кунининг 110 йиллигини, КПССнинг навбатдаги XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз.

М. МУИДИНОВ,

«Ташсельмаш» заводи пайвандчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

СМЕНА НОРМАСИ— ТЎРТ СОАТДА

Йиғувчи В. Астахова бошчилигидаги Тошкент электрон техника заводининг энг яхши бригадаси коммунистик шанбалик кунида шундай меҳнат қилишга қарор қилди. Коллектив шу куни тайёрлаган барча приборлар тежалган материаллардан йиғилади.

Электрон қурилмаларнинг бошқа ҳамма йиғувчилари ҳам бригадага эргашиб меҳнат байрамида смена нормасини ортиғи билан бажаришга аҳд қилдилар. Шанбаликкача қолган муддатни улар ишнинг илғор усулларини ўзлаштириш соҳасидаги зарбдор вахта деб эълон қилдилар. Шу кунларда В. Астахова ва унинг дугоналари мусобақадош дўстлари билан бирга машғулотлар ўтказадилар, уларни меҳнатнинг рационал усулларига ўргатадилар.

(ЎзТАГ).

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

МАЗМУНЛИ СУҲБАТ

Чилонзор районидаги 26-сайлов участкаси агитаторлари Советларга сайловларда биринчи марта қатнашувчи ёшлар ўртасида катта иш олиб боришяпти. Ёшлар учун «Совет сайлов системаси» лекцияси уюштирилди. Республика ички ишлар министрлиги ходими А. Кулматов иштирокида ўтказилган «Усмир ва қонун» мавзуидаги суҳбат айниқса қизиқарли бўлди.

Сайлов участкасида савол ва жавоб кечалари, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари ҳам тез-тез уюштириляпти.

В. ДАНИЛЬЧЕВ.

Тежамкорлик — яхши хислат

ПОЕЗДНИ МОҲИРОНА БОШҚАРИБ

«Яқин орадаги вазифалар ҳақида гапириладиган бўлса, аввало, қишга етарли ёқилғи запасини ғамлаб қўйиш керак. Бунинг учун нефтчилар, шахтёрлар, газ саноати ва айниқса, транспорт ходимларининг пухта ишлашлари лозим, ёқилғини тежаш юзасидан план-топшириқлари сўзсиз бажарилиши керак».

Л. И. БРЕЖНЕВ,

(КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида сўзлаган нутқидан).

Партия қарорларига амалий иш билан жавоб бериб келаётган Тошкент тепловоз депоси коллективи ҳар йили декабрь ойида тежалган ёқилғи ҳисобига поездларни бошқаришни одат тусига айлантирди. Оқилона иш юритаётган депо меҳнатчилари тежамкорлик ҳаракатини тобора кучайтириб, кўплаб ёқилғи ва бошқа материал ресурсларни тежаб қолмоқдалар. Коллектив ўтган йили 300 тонна ёқилғини тежаб қолиш мажбуриятини олганди. Аммо бу социалистик мажбурият ошириб адо этилди. Поездларни моҳирона бошқарган машинистлар ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнида 2,5 минг тоннага яқин ёқилғи тежаб қолдилар. Бошқача айтганда, ана шу тежалган ёқилғи ҳисобига 153 километрли Тошкент — Арис станциялари оралиғида 2 минг 500 та пассажир поезди қатнай олади.

Машинистлар ёқилғини тежаш бўйича юқори кўрсаткичларга қандай эришяптилар?

Депода ҳар йили тежамкорлик бўйича тадбирлар плани ишлаб чиқилади ва ана шу план асосида иш юритилади. Ҳар кварталда тежамкорликка бағишланган конференциялар ўтказилиб, унда депо раҳбарлари, мутахассислар, рационализатор ва новаторлар, моҳир машинистлар иштирок этишади ва ёқилғи сарфланишни янада кўпроқ тежаш ҳақида фикр алмашадилар. Моҳир машинистлар эса ўз ютуқлари, тажрибалари ҳақида ёш машинистларга сўзлаб берадилар. Бундай иш тутиш ўзининг юқоридаги самарасини кўрсатяпти.

— Ёқилғини беҳуда сарфламаслик учун — тепловоз ремонтга турганида графикка аниқ риоя қилиб, унинг қисмларини технологияда кўрсатилганидек созлаш керак. — дейди депо бошлиғининг ўринбосари Ю. Казёнков. — Машинист тепловозни ремонтдан қабул қилиб олгач, унинг ҳаракатдаги қисмлари, дизель ва электр схемалари қандай ишлаётганини кўздан кечириши лозим. Бу жуда зарур. Чунки унинг айрим қисмларни нотўғри ишлаганда, ёқилғи нормадагидан кўп сарф бўлади. Шунинг учун ҳам тепловознинг пухта созланишига катта эътибор бермоқ керак.

Депода ёқилғини тежаш бўйича катта ишлар олиб бориляпти. Бунда ҳар бир ишчи ва хизматчи актив иштирок этмоқда. Айниқса, депо назоратчилари — халқ контроли группаси фаоллик кўрсатмоқда. Яқинда улар жуда муҳим бўлган нуқсонни топишди. Аниқланишича, ремонтчи-слесарлар кўпинча поршень гильзасидаги ёнган газ чиқиб кетувчи туйнукчаларни яхши тозалашмас экан. Бундай ҳолда газ чиқувчи туйнукчанинг кенглиги ўз размеридан 1 миллиметр тор бўлиб қолади. Натижада ёқилғи белгиланган нормадан кўп сарфланади. Бу нуқсон аниқланганг зудлик билан чора-тадбирлар кўрилди. Эндиликда ана шу кичик бир нуқсонни бартараф этиш туфайли анча ёқилғи тежаб қолиняпти.

Деподаги машинист-инструктор Л. Ар хонасига кирар экансиз, деворда осилгиқ турган Тошкент темирйўл бўлинмасига қарашли темирйўлларда поездни қандай тезликда бошқариш ва қандай оғирликдаги поезд составига қанча ёқилғи сарфланиши схемасига кўзингиз тушади. Бунга ҳар бир машинист итоат қилиши керак. Айтайлик. Тошкентдан Шимол томондаги Арис станцияси оралиғи 153 километр бўлиб, бу масофа темирйўли эгри-бўгри ва баланд-пастликлардан иборат. Шунинг учун ҳам поезднинг тезлиги соатига 80 километрдан ошмаслиги керак. Лекин айрим жойларда тезлик соатига 5—10 километр бўлиши ҳам мумкин. Бу вақтинчалик тезлик ҳисобланади. Бу мисолни келтиришдан мақсад, ҳар бир машинист бундай оғир йўлларда поездни моҳирона бошқаришни билиши керак. Масалан, қияликлар-да ёнилғи йўлини беркитиб, поездни ана шу оралиқда ўз кучи билан ғилдираб кетишидан фойдаланмоқ керак. Кўпинча тажрибасиз машинистлар бунга амал қилишмайди...

Албатта, тежамкор машинистлар ютуғи ҳақида гап кетганда, депо рационализаторларининг коллектив ютуғига қўшаётган ҳиссаси тўғрисида ҳам гапирмай бўлмайди. Депода юздан ортиқ рационализатор бор. Н. Демьяненко, И. Гридчин, А. Захаров, А. Қосимов, В. Газаев, Н. Островский, В. Ворсин, В. Козлов ва бошқалар энг яхши рационализаторлар ҳисобланишади. Улар киритган таклифлар кўплаб ёқилғини тежаб қолиш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беряпти. Ўтган йил мобайнида 200 дан ортиқ тақлиф ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 109,8 минг сўмликдан зиёд иқтисодий фойда олинди. Айниқса, рационализаторлар Б. Орчинский ва А. Алёхинларнинг яқинда жорий этишган —тепловоздаги сув ва мойни совутувчи секциядаги чанг ва ифлос қўйқани чўтка билан ювиш таклифи яхши самара берди. Бунинг натижасида секция орасидаги мой, сув ўтувчи қувурлар тез ва соз тозаланадиган бўлди. Пировардида йилига 35 мингдан ортиқ маблағни тежаб қолиш имкони туғилди. Шундай қилиб, бу йил рационализаторлар киритган таклифлар 60 минг киловатсоатдан ортиқ электр энергиясини ҳам тежаб қолиш имконини берди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари депо меҳнатчиларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Улар тежамкорлик ҳаракатини янада кўчайтириб, тежалган ёқилғи ҳисобига поездларни бошқаришнб, кўплаб пассажир ва халқ хўжалик юкларини ўз манзилларига етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Маҳкам ҲАКИМОВ,

Тошкент тепловоз депосининг слесари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СЪЕЗД ОЛДИ МУСОБАҚАСИ

ПХЕНЬЯН. Корея меҳнат партиясининг VI съездини муносиб кутиб олиш учун КХДР меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси тобора кенг қулоч ёзмоқда. Республикадаги етакчи машинасозлик корхоналаридан бири бўлган Чаган вилоятидаги Хичхон станоксозлик заводининг коллективи ана шу ҳаракатнинг ташаббускори бўлди. Коллектив йиллик планни октябрь ойида— съезд очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олди.

Станоксозлар ташаббуси мамлакат заводларида, фабрикаларида ва қурилишларида кенг қўллаб-қувватланди.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲИСОБИГА

НЬЮ-ЙОРК. Америкадаги энг йирик монополиялар иқтисодий ва молиявий қийинчиликларни ҳамон меҳнаткашлар ҳисобига бартараф этишга уринмоқдалар. Автомобиль покришкаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Юниройял» етакчи химиявий компанияларидан бирининг маъмурияти ўзининг Детройт ва Сикопифолс шаҳарларидаги (Массачусетс штати) корхоналарини ёпишга қарор берганлигини эълон қилди. Бунинг натижасида 3,3 мингдан кўпроқ киши ишсиз қолади.

Японияниг пойтахти Токио жаҳондаги энг йирик шаҳарлардан бири. Унда 12 миллион аҳоли яшайди.

СУРАТДА: Токио бугунги кунда. ТАСС фотохроникаси.

ЧЕЧАКНИНГ ИЛДИЗИ ҚУРИТИЛДИ

ЖЕНЕВА. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ижроия комитети чечакка барҳам берилганлиги тўғрисидаги докладни Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси тасдиғига тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Махсус халқаро комиссия тақдим этган бу докладда бутун дунёда чечак узилкесил тугатилганлиги факти таъкидланади ва шу муносабат билан ҳамма ерда шу касалликка қарши эмлашни тўхтатиш таклиф этилади.

Ер юзида чечак касаллиги амалда бўлмайди, деб ҳисобланса-да, қўзда тутилмаган ҳол учун 200 миллион кишини эмлашга етадиган вакцина запаси сақланади.

Чечакка барҳам берилиши бутун дунёда уни тугатиш программасининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бу программани Совет Иттифоқининг таклифига биноан 1958 йилда тасдиқлаган эди. СССР чечакка қарши курашда ғоят актив қатнашди: жумладан, 1,5 миллиард доза вакцинани белул берди.

НЕФТЬ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ РЕЖАЛАРИ

ДЕҲЛИ. Нефть ва табиий газ бўйича давлат комиссияси мамлакатда энг катта бўлган Камбей кўрфазидаги конда нефть қазиб олишни кенгайтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган планини ишлаб чиқишга киришди. Бу кон совет мутахассисларининг ёрдами билан очилган эди. Индия Пресс Эйженси информация агентлигининг хабар беришича, ана шу конинг саноат йўли билан ўзлаштирилиши Ҳиндистон экономикаси учун алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда у ерда ҳар йили қазиб чиқарилаётган «қора олтин» миқдори 4,5 миллион тоннани ташкил этади. Яқинда ҳинд мутахассислари Бомбайдан саксон километр нарида, денгизнинг саёз соҳилидаги нефтнинг янги катта конини картада белгилаб қўйдилар.

Ҳиндистоннинг ўз-ўзини нефть ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаши проблемасини ҳал этиш — мамлакат олдидаги муҳим иқтисодий вазифалардан биридир. Ўтган молия йилида 12,5 миллион тонна нефть қазиб чиқарилди. Бу эса 5 йил аввалгига қараганда қариб тўрт миллион тонна кўп. Бироқ ҳозирги вақтда мамлакатнинг нефтга бўлган эҳтиёжи ўз нефти ҳисобига 50 процентдан ҳам камроқ қондирилмоқда. Шу боисдан Ассам, Трипура, Манипур, Ғарбий Бенгалия штатларида, Маҳанади ва Годавари дарёларининг ҳавзаларида қидирув ишларини активлаштириш юзасидан кўп куч-ғайрат сарфланмоқда. Нефть пармалаш машина-ускуналари, темир йўл ва автомобиль цистерналари ишлаб чиқариш мунтазам кўпайтирилмоқда. Экспертларнинг фикрича, ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши, деб таъкидлайди Индия Пресс Эйженси агентлиги, яқин беш йил ичида нефть қазиб чиқаришни 20 миллион тоннага етказиш имконини беради.

Беш йиллик вахтасида

Беллашиб ишлаганда

Мана нўп йилдирки, Тошкентдаги «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси Ивановодаги «Луч» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси билан мусобақалашиб келади. Беллашиб ишлаш самараси юқори бўлляпти. Ҳар бир ишчи юксак нўрсатичларга эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, «Малина»чилар ўтган йилни зарбдорона якунлашди. Пландаги 70,500 сўмлик ўрнига 72,906 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу пландагидан 2 миллион 406 минг сўмлик кўп, демакдир. Бунинг натижасида йиллик социалистик мажбурият ҳам 406 минг сўмликка ошириб адо этилди. Шу давр мобайнида савдо тармоқларига давлат Сифат белгиси туширилган 10 миллион 555 минг сўмлик устки ва ички трикотаж буюмлари чиқарилди. Бу ялпи маҳсулотнинг 14,5 процентини ташкил этади. Олимпиада рамзи билан ҳам буюмлар тайёрлаш топшириғи ортиғи билан уддаланди. Пландаги 655 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 032 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

— Ана шу муваффақиятларимиз замирида, — дейди бирлашма насаба союз ташкилотининг раиси Темур Тожиев мухбиримизга, — ивановолик трикотажчилар билан беллашиб ишлаб самарали меҳнат қилганлигимиз кўринади. Биз мунтазам делегациялар алмашиб турибмиз. Яқинда бизнинг делегация бу корхонанинг 40 йиллик юбилейида қатнашиб қайтди. Бундай усулда иш юритиш ўзаро тажриба алмашиш ва бу тажрибалар асосида ишни оқилона ташкил этиш имконини бермоқда. Бирлашмада кўпгина ишчиларимиз Ивановодаги «Луч» трикотаж» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари билан беллашиб ишлашмоқда. Бугунги кунда тўқувчиларимиз С. Ягодина, Н. Эргашевалар 1985 йил ҳисобига меҳнат қилишиб, ўн биринчи беш йиллигининг топшириғини ҳам адо этиш арафасида турибдилар. Шунингдек, М. Қодирова, Г. Молева ваби ишчиларимиз эса 1984 йилнинг август-октябрь ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти.

● ТОШКЕНТ — РЕСПУБЛИКАГА

ЯНГИ УЙ ЖИҲОЗИ

Республика мебель саноати министрлигига қарашли «Ўзбекпроектмебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилганига бир йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида коллектив бирмунча ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, кийим ва кўрпача тахланувчи шкафлар, чиройли ва ихчам сандиқларнинг нусхалари яратилди. «Наврўз» ва «Хурсандлик» деб аталган ана шу сандиқлар келгусида Қўқон мебель фабрикасида ишлаб чиқарилади. Шкафлар эса Қува шаҳридаги мебель фабрикасида ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

Эндиликда коллектив республикамизнинг маҳаллий ва иқлим шароитларини ҳисобга олиб, яна бир неча хил янги уй жиҳозларини яратиш устида изланяпти.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• *Сариқ касалидан тузалган беморларга эслатма*

ПАРҲЕЗ ДАВОМ ЭТАДИ

Сариқ касали — вирусли гепатит юқумли хасталик экани кўпчиликка маълум. Вирус гепатитини қўзғатувчилари ғоят майда мавжудот бўлиб, соғлом киши организмига зарарланган сув ва озиқ-овқатлар воситасида оғиз орқали ўтади. Ичакларидан сўрилган вируслар қонга тушиб, у асосан жигар тўқимасини жароҳатлайди. Касаллик вируслари жигар ҳужайраларининг кушандаси бўлиб, уларни емиради ва жигар фаолиятини издан чиқаради. Натижада жигар шишади ва ишлаб чиқарилган ўт димланиб, қонга сўрилади. Бунинг оқибатида кўз оқи ҳамда тери сарғаяди. Шу боисдан ҳам халқимизда бу хасталик сариқ касаллиги номи билан юритилади.

Шуни унутмаслик керакки, бемор шифохонадан тузалиб чиқаётган вақтда сариқлик бутунлай тугаб, ўзини яхши ҳис қилса ҳам жигардаги баъзи ўзгаришлар ҳали тугалланмаган, организмдаги мураккаб модда алмашинуви ва баъзи биохимиявий жараёнлар ўз аслига қайтмаган бўлади. Шунинг учун ҳам сариқ касаллигидан тузалган беморлар анча вақтгача парҳез сақлаб, махсус режимга риоя қилишлари керак.

Парҳез ва режим тайин қилинишидан асосий мақсад, касаллик натижасида анча сусайиб қолган жигар фаолиятини тиклаш ва ўт ишлаб чиқарилишини яхшилашдан иборатдир. Акс ҳолда бемор тезда узилиб қолади ва касаллик қайталанади, сурункали формага ўтиб кетади. Кишини умрбод хаста қилиб қўядиган жигар циррози (чандир қоплаши) ҳам кўпинча режимга риоя қилинмаган кишиларда кузатилади.

Хўш, касалхонадан тузалиб чиққандан сўнг бемор нималарга эътибор бериши керак? Беморга шифохонадан чиққандан кейин ўн кун уй шароитида бўлишига, бу вақтда енгил гимнастика машғулотлари билан шуғулланиш, тоза ҳавода бироз юришга руҳсат берилади. Бемор ўзини совуқ қотишдан, саратонда офтоб уришидан, қаттиқ ҳаяжонланиш каби ножўя таъсирлардан эҳтиёт қилиши лозим. Туристик саёҳатларга чиқиш манъ этилади. Кўрсатиб ўтилган ўн кунлик муддат тугагач, меҳнат отпускаси олиш жуда фойдали бўлади.

Узоқ вақт олиб борган кузатувларимиз шуни кўрсатдики, касалликдан тузалгандан сўнг узоқ жойлардаги курортларга эрта борган кишиларда кўпинча (иқлим шароити ўзгариши натижасида) касаллик қайталанар экан. Шунинг учун олти ойгача узоқ жанубий курортларга бориш тавсия қилинмайди. Яқин-атрофдаги маҳаллий дам олиш уйлари ва санаторийларда дам олиш фойдалидир.

Сариқ касаллигидан бутунлай мусаффо бўлиб кетишда парҳезнинг аҳамияти катта. Касалхонадан чиқандан кейин ҳам ярим йилгача, айрим ҳолларда бир йилгача, маълум парҳезга риоя қилинади. Бемор истеъмол қиладиган таом, биринчидан жигарни муҳофаза қилиши керак бўлса, иккинчидан организмни тўйимли, етарли калорияга эга бўлган озуқа билан таъминлаши, учинчидан сифатли, витаминларга бой бўлиши лозим. Овқатни суткасига тўрт ёки беш маҳал, маълум соатда ва меъёрда истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Парҳезда асосан сут ва сутдан тайёрланган маҳсулотларни тавсия қиламиз: янги тайёрланган қатиқ, сузма, кефир, творог, ширчой, ширқовоқ, ширгуруч. Ёғсиз мол ва қўй гўштини қайнатиб пишириш ёки қийма қилиб буғлаб пиширилган котлет, тифтелларни истеъмол қилиш керак. Шунингдек, серсабзи ва лавлаги солинган шовла, серқатиқ мастава, карам, сабзи ва турли кўкатлар қўшиб тайёрланган шўрва, атала, ҳолвайтар, қовоқли, картошкали, кўкатли манти, сомса, карамли, токли дўлмалар ҳам фойдали. Таомларга эритилган сариёғ, маргарин мойлари, кунгабоқар, зиғир, писта мойи ёки мағизлардан тайёрланган мойлар ишлатган яхши.

Ширинликлардан қанд, шакар, карамель конфетлар, парварда, наввот, олчали, беҳили, қулупнай ва малиналя мурабболар тановул қилиб туриш мумкин. Кунига бир ош қошиғида асал еб туриш ҳам фойдали, чунки унинг таркибида жигарга шифобахш таъсир этувчи моддалар кўп. Ҳўл мевалардан узум (айниқса ҳусайни ва кишмиш навлари), олма, анор, нок, беҳи, анжир, шафтоли, ўрик, олхўри, мандарин, апельсин, лимонлар ва уларнинг шарбатлари ҳам шифобахшдир. Тарвуз, қовоқ, помидор, бодринг, кўкатлар ҳам тавсия этилади.

Қуйидаги таомлар ва ичимликларни мутлақо истеъмол қилмаслик керак. Спиртли ичимликларнинг ҳамма турлари, тузланган, дудланган ва сиркаланган маҳсулотлар, қовурилган таомлар, қўй, мол ёғлари, от гўшти, ўрдак ва ғоз гўштлари тўғри келмайди. Палов, кабоб, сомса, норин, қази-қарта, колбаса, тузланган балиқларни ҳам истеъмол қилмаслик керак. Ширинликлардан торт, пирожное, шоколад, шоколадли конфетлар, какао, шунингдек, аччиқ дамланган чой ҳам тавсия қилинмайди. Аччиқ гаримдори, мурч, сиркаланган овқатга қўшиш мутлақо тўғри келмайди.

Бемор шифохонадан чиққач, бир, уч, олти ойдан кейин, лозим бўлган тақдирда эса бир йилдан сўнг ҳам врач кўригидан ўтиб туриши керак. Текширишга белгиланган вақтда, албатта нонушта қилмай бориш зарур.

М. ТУРОБОВ,
Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтининг вирусли гепатит лабораторияси мудири, медицина фанлари кандидати.

Сўнгги йилларда шаҳримизда кўплаб муҳташам архитектура ансамблари бунёд этилди. Ана шулардан бири сиз суратда кўриб турган «Ўзбекистон» кўчасидаги республика Матлубот жамияти архитектура ансамблидир. У муҳташамлиги билан кишилар диққатини ўзига тортиб келмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• Китоблар оламида

НАВОИЙШУНОС ИЗЛАНИШЛАРИ

Атоқли навоийшунос, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Табаррук излар изидан»[1] номли янги китоби адабиёт ихлосмандлари қўлига тегди. Ундаги мақолалар адабиёт тарихининг қатор назарий ва амалий масалаларидан баҳс этади.

«Адабиётимизнинг реалистик анъаналари» сарлавҳали мақола Иттифоқ миқёсида реализм тўғрисида ўтказилган катта мунозаралардан илҳомланиб ёзилган. Унда ҳозирги адабиётимизнинг ижодий методи, яъни реализм ўтмиш адабиётимизнинг изчил реалистик анъаналари асосида шакилланганлиги ментиқий жиҳатдан жуда яхши очиб берилган. Шарқ маданиятининг энг қадимги намуналари «Девони луғотит турк» ҳамда Ўрхун — Енисей ёдгорликларидаёқ муайян ҳаёт акс этган. Ундан кейинги даврлар адабиётини кузатганимизда ҳам шу нарса кўринадики, шарқ санъаткорлари, жумладан, ўзбек шоирлари дастлаб ўз асарларини традицион сюжет ва образларга таянган ҳолда яратганлар. Кейинчалик эса бу традиционлик шунчаки бир формал нарса бўлиб қолган. Тобора дунёвийлик, ҳаётийлик тенденциялари кучайиб, адабиёт традицион қобиқдан қутила борган. Шоирлар девон тартиб этганда, аввал ўша даврдаги мафкуравий табақа, цензура учун анъанавий темаларни ёритганлар. Сўнг эса чинакам ҳаётий маънолар, эҳтирос билан йўғрилган асарларини киритганлар.

Муаллиф «ўзбек адабиётида реализмнинг тараққиёти кўп жиҳатдан сатира жанрининг ривожланиши билан боғлиқ бўлди», дея жуда тўғри мушоҳада юритади. Чунки, Турди Фароғий, Маҳмур, Мукимий каби шоирлар ижтимоий тузумда адолат, ҳақиқат кўрмагач, жамиятни танқид этиб, сатирик асарлар яратганлар. Реализмнинг ҳаккониийлик принципи ҳам шуни тақозо этади. Демак, адабиёт қонуний ҳолда реализм томон такомиллашган.

Алишер Навоийнинг поэтик услубини ўрганиш совет навоийшунослиги олдида турган асосий вазифалардандир. А. Ҳайитметов «Улуғ шоир поэтик услубига доир» сарлавҳали мақоласида Навоийнинг поэтик услуби ҳақидаги илмий мулоҳазаларини майдонга ташлайди. Автор тўғри таъкидлашича, аввало улуғ шоир ижодиётининг традиционлик хусусиятларини ҳамда унинг уч устоди— Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийларнинг унга таъсирини изчил ўрганилса, Навоий ижодиётининг ўзига хос томонлари яққолроқ очилади.

Навоий ва умуман Шарқ классиклари услуби ҳақида гап борар экан, шуни ҳам назарда тутмоқ лозимки, традицион шакл ва формалар ҳамда бир хилда қўлланилган тасвирий воситалар уларни бир-бирига жуда ўхшаш қилиб қўйган. Шунинг учун, бизнингча, рус адабиётшунослигидаги «умумий услуб» ва «индивидуал услуб», тушунчаларини ўзбек классик адабиётига нисбатан ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки ўзбек шоирларида учрайдиган анъанавийлик, бир хил бадиий тасвир воситалари, бир хилда қўлланиладиган ибора ва адабий формулалар, адабиётнинг умумий услуби, хусусиятларини ташкил этади. Шоирларнинг бошқалардан фарқли, ўзига хос хусусиятлари эса уларнинг индивидуал услубини очиб беришга хизмат қилади.

Олимнинг Афғонистонга қилган сафари таассуротлари китобдаги кўпгина мақолаларнинг асосини ташкил этади. Шу нарса муҳимки, бутун сафар давомида ўзбек маданияти тарихига оид қўлёзмаларни кўриш, навоийшунослик учун янги маълумотлар излаш А. Ҳайитметовнинг диққат марказида турган. У Атойи, Навоий, Ҳусайний каби ўзбек шоирларининг қабрини зиёрат қилади ҳамда уларнинг таржимаи ҳолларига оид янги маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Афғонистоннинг Ҳирот, Балх каби қадимий шаҳарларини тасвирловчи хотиралар ҳам китобнинг мароқли саҳифаларини ташкил этади.

Китобда ўзбек ва тожик халқларининг қадимги адабий алоқаларини ёритувчи мақолалар ҳам бор. Масалан, «Абдураҳмон Жомий поэтик ижодининг эстетик принциплари ҳақида», «Хусрав Деҳлавий ва ўзбек адабиёти», «Алишер Навоий ва Ҳасан Деҳлавий» мақолаларида форс-тожик шоирларининг ҳаёти ва ижоди, эстетик қарашлари, ўзбек адабиёти, хусусан, Навоийга таъсирлари ёритилади ва бундай йирик адибларнинг ўзаро таъсири ҳамда адабий алоқаларини алоҳида тадқиқ этиш фурсати етганлиги қайд этилади.

А. Ҳайитметов Алишер Навоийнинг форсча асарларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор беради. Афғонистонга қилган сафарида Навоийнинг форсий мактублари билан қизиқиб, турли шаҳарлардаги кутубхоналарда бўлиб, улуғ шоир билан боғлиқ қўлёзма манбаларни синчиклаб ўрганади. Маълумки, Навоийнинг мактубларидан иборат ўзбекча «Муншаот» асари бизгача етиб келган. Олим Навоий форсий мактубларининг махсус меҳмуасини излайди. Бироқ уни топишга муяссар бўлмайди. Шундай бўлсада, шоирнинг форсий ва туркий мактубларини йиғиб, алоҳида нашр эттиришни таклиф этади. Чиндан ҳам, Навоийнинг форсий мактублари насрий меросининг катта қисмини ташкил этиб, уларни чоп этиш катта илмий-маърифий аҳамиятга эга.

Китобнинг қимматини оширадиган яна бир нарса шундан иборатки, муаллиф Навоийнинг форсча «Туҳфатул аффкор» қасидасини ўзбекчалаштириб илова қилган. Умуман, А. Ҳайитметовнинг бу китоби ўзбек классик адабиётининг турли масалаларини изчил ўрганишга даъват этиши, оммага қизиқарли маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир.

Н. ЖУМАЕВ.

[1] А. Ҳайитметов. «Табаррук излар изидан». Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ҒИЕСОВ: Биз вақтинча бировнинг уйида ижарага турибмиз. Бироқ ижарага олувчи оила аъзоларининг бурч ва ҳуқуқларини яхши билмаймиз. Иложи бўлса шу ҳақда маълумот бергайсиз.

Жавоб: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг гражданлик Кодексидаги 336-моддада кўрсатилишича ижара шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва бурчлар турар жойни ижарага олувчи билан бир қаторда у билан бирга яшовчи оила аъзолари учун ҳам баб-баравар тааллуқлидир.

Ижарага олувчининг ўзи билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзолари, бу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан баравар жавобгар бўладилар.

Ижарага олувчининг бирга яшовчи эри ёки хотини, уларнинг болалари ва отаоналари ижарага олувчининг оила аъзолари бўлиб ҳисобланадилар.

Ижарага олувчи қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар, шунингдек бошқа гражданлар ижарага олувчи билан бирга умумий хўжалик олиб борсаларгина, ижарага олувчининг оила аъзолари бўлиб ҳисобланадилар.

Агар ушбу моддада кўрсатилган гражданлар ижарага олувчининг оила аъзолигидан чиқиб қолган бўлсалар ва ижарага олинган турар жойда яшайверсалар, ижарага олувчи ва унинг оила аъзолари билан бир қаторда шартнома юзасидан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади.

∴ ∴ ∴

М. НУРМАТОВ: Савдо ташкилотида масъул вазифада ишлай боплаганимга кўп бўлгани йўқ. Маҳсулот ва материаллар олиш учун шартнома тузишга тўғри келмоқда. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси қандалари ҳақида маълумот бергайсиз.

Жавоб: Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг қандасига кўра маҳсулот етказиб берувчи ташкилот маҳсулот тақсимлаш юзасидан ҳар икки тараф учун мажбурий бўлган планли актга мувофиқ, маълум миқдордаги маҳсулотни аниқ муддатларда ёки муддатла сотиб олувчи ташкилот (буюртмачи) ихтиёрига етказиб бериш мажбуриятини олади; сотиб олувчи ташкилот эса —маҳсулотни қабул қилиш ва бунинг учун белгиланган баҳолар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Планли тартибда тақсимланмайдиган маҳсулотни, шартнома тузиш пайтига тўғри келмаган муддатда олувчига етказиб бериш мажбуриятини белгилаб, ташкилотлар ўртасида, уларнинг ўз хоҳишлари билан тузиладиган шартнома ҳам маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўлиб ҳисобланади.

СССР Министрлар Совети ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланган ҳоллардагина шартнома тузмасдан маҳсулот етказиб берилиши мумкин.

∴ ∴ ∴

Ҳ. ҲАКИМОВ: 1972 йилнинг октябрь ойида «Узбексельмаш» заводи қошида ташкил этилган шоферлик ва радиотелемастерлик курсини тамомлаб, радиотелемастер гувоҳномасини олган эдим. Шу гувоҳномамни йўқотиб қўйдим. Эшитишимга қараганда гувоҳномани қайта олиш мумкин экан. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Сиз аввало курсни қайси «Зангори экран» бирлашмаси ёки техникум, билим юрти ташкил этганлигини аниқлашингиз мумкин. Шунда курсни ташкил этган ташкилот архив ҳужжатлари асосида гувоҳномангизнинг дубликатини ёзиб беради.

Сўраган экансиз... ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Х. ЭШОНҚУЛОВ: Одамда сафро нима сабабдан пайдо бўлади? Ундан форғ бўлиш учун қайси соҳадаги мутахассисга учрашиш керак?

Оқшомхоннинг бу саволига медицина фанлари кандидати **Носир ҚОСИМОВ** қуйидагича жавоб беради:

—Одатда сафро ҳосил бўлиши овқат яхши ҳазм бўлмаганда, пала-партиш овқатланганда ва айниқса ўт йўли ва ўт пуфаги касаллигида учрайди. Бундай беморлар ўзларини ички касалликларни даволовчи врачга кўрсатиб, фойдали маслаҳат олишлари мумкин. Бундай врачлар ҳар бир район поликлиникасида ишлаб турибди.

* * *

С. ЭМИНОВ: Пойтахтимизда контакт кўзойнаклар қўйилаётганини эшитдик. Бундай кўзойнаклар қайси шифохонада қўйилаяпти?

Бу саволга республика ихтисослашган кўз касалликлари шифохонаси врачи **Фахриддин ИКРОМОВ** қуйидагича жавоб беради:

—Контактли кўзойнаклар бизнинг шифохона лабораториясида ўзлаштирилди. Кўзойнакка муҳтож кишилар бу ерга келиб, фойдали маслаҳат олишлари мумкин. Шифохонамиз студентлар шаҳарчасидаги А. Саидов кўчасига жойлашган бўлиб, у ерга 49, 59 ва 65-автобусларда бориш мумкин.

* * *

Қ. МИРЗАЕВ: Қулоғи яхши эшитмайдиган кишилар учун махсус эшитиш аппаратлари борми? Уни қаердан олиш мумкин?

Жавоб: Ҳа, бундай аппаратлар бор. Уларни медицина техникаси билан савдо қиладиган магазинлардан олиш мумкин. Бундай магазинлар Б. Хмельницкий кўчаси ва М. Горький проспектида жойлашган бўлиб, у ерга 3, 80-автобуслар ва 13, 22-трамвайларда борилади.

* * *

М. ҚОСИМОВА: Баъзи одамларнинг оёқ қўллари тинмай қақшайди. Буни даволатишда тери касали врачига учрашиш мумкиндир. Бироқ поликлиникаларда тери касалини даволовчи врач йўқ. Бунга сабаб нима?

Жавоб: Ўзбекистон тери касалликлари илмий-текшириш институтидан маълум қилишларича, тери ва таносил аъзолари касалликларини тўғри даволаш керак. Шунинг учун ҳар бир районда диспансер ташкил этилган. Бу диспансерларда беморлар врачлар маслаҳатига кўра қатнаб ёки шу ерда ётиб даволанадилар.

* * *

З. АЛИМОВА: Семиз одамлар озиш учун нима қилиши керак? Одам қандай таомларни истеъмол қилса озади?

Оқшомхоннинг бу саволига медицина фанлари кандидати, врач-эндокринолог **Раъно Муродовна ҲОШИМОВА** қуйидагича жавоб беради:

— Семизлик ва озғинлик махсус мутахассислар маслаҳати билан даволанишни тақозо этади. Шунинг учун бундай беморлар ўзларини эндокринолог врачларга кўрсатиб маслаҳат олишлари лозим. Бундай беморлар учун республика эндокринология диспансери ташкил этилган бўлиб, у Ленин район Ремесленний кўчасидаги медицина билим юрти олдида жойлашган. Бу шифохонага 3, 4, 22 ва 25-трамвайларда бориш мумкин.

* * *

М. САИДАЗИМОВА: Менинг юрагим тез-тез уриб, томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлади. Бу қандай хасталик? Буни даволатиш учун кимга учрашишим мумкин?

Жавоб: СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кардиология кафедрасидан олган маълумотимизга кўра, одамда бундай ҳолат бўлиши юрак касалликларининг бир тури бўлиб, у «экстроцистолия» деб аталади. Бундай беморлар шаҳримиздаги шифохоналарнинг кардиология бўлимларида ҳамда Ўзбекистон кардиология илмий-текшириш институтида даволанади. Мазкур илмий-текшириш институти янги ТошМИ шаҳарчасида жойлашган бўлиб, у ерга 88, 104 ва 120-автобусларда борилади.

* * *

Д. ЛАТИПОВА: Менинг ўн ойлик ўғлим бор. Уни қандай овқатлантириш ҳақида маслаҳат бергайсиз.

Оқшомхоннинг бу саволига Ўзбекистон Педиатрия илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати **Ботир САИДОВ** қуйидагича жавоб беради:

— Ёш болаларни тўғри парвариш қилиш, овқатлантириш ва тўғри тарбиялашда мутахассислар билан маслаҳатлашиш яхши натижа беради. Педиатрия илмий-текшириш институтида эса бу соҳада қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Соғлом бола ўстиришни истаган ота-оналар бу ерга келиб, болажон шифокорларимиздан фойдали маслаҳалар олишлари мумкин. Институтимизга 38 ва 76-автобуслар ҳамда 27-трамвайда борилади, 10-шаҳар касалхонаси бекатида тушилади.

Жавобларни
Ю. АХРОРОВ ва **Т. РАСУЛЕВ**лар тайёрлашди.

Собир Раҳимов районидаги 7-болалар поликлиникаси медицина ходимлари ёшлар соғлиғини сақлаш ва уларни соғлом ўсиши учун самарали меҳнат қилишмоқда. Сиз суратда шу поликлиниканинг бош врачи Васила Ғиёсовани бир группа ходимлар билан суҳбат чоғида кўриб турибсиз.

И. Шоиноғомов фотоси.

• *Газетхон илтимоси*

ЎТ ПУФАГИ ЯЛЛИҒЛАНСА

Ҳурматли редакция! Менинг ўғлим қовурғаси ости узоқ вақт оғриб юрди. Врачга кўрсатсам, холецистит бўлибсиз, деди. Бу касалликка нима сабаб бўлади, унинг олдини олиш ва даволашда нималарга эътибор бериш керак?

З. ИКРОМОВА,
ишчи.

Холецистит касаллиги ўт пуфагининг ялғиғланишидир. Бу хасталик кўпинча зарарли микроорганизмлар иштирокида ёки ўт пуфагида тош ҳосил бўлиши, вирусли гепатит, юқумли касалликлар ва айрим вақтда хроник тонзилитдан сўнг ҳам учраб туради. Айрим вақтларда ўт пуфагида тош ҳосил бўлиши (калькулоз холецистит)ни юзага чиқаради, натижада ўт суюқлиги ўт пуфагида димланиб унинг функциясини бузади. Шунингдек, руҳий ҳаяжонланиш каби ҳолат ҳам касалликни юзага чиқаради.

Холецистит касали кўпроқ аёлларда учрайди. У ўткир ва сурункали кечади. Ўткир холецистит ўнг қовурға остида, жигар соҳаси — қорнининг ўнг томонига, курак остига оғриқ тарқалиб, жигар соҳасидаги мушаклар ушлаб қўрилганда безиллаган оғриқ сезилади. Бемор иситмалайди, кўнгли айнаб қусади ва ҳолсизланади. Баъзи вақтларда беморнинг ичи кетади ёки қабзиятга учрайди, тери ва кўзнинг оқ қисми сарғаяди, қичишади.

Касалликни баъзан ўт пуфагининг катталашганидан ҳам билиш мумкин. Бу хасталикнинг сурункали тури эса ўткир холециститнинг нотўғри ёки пала-партиш даволанишидан келиб чиқади. Бунда симилловчи тинимсиз оғриқ беморни безовта қилади. Бемор ҳарорати ўз меъёрида бўлиб, сарғайиш ҳоллари кўп беморларда учрамайди. Оғриқ кўпинча ёғли ва аччиқ овқатлар истеъмол қилганда хуруж қилиб, ич кетиш ёки қабзият, иштаҳанинг бўғилиши, умумий ҳолсизлик билан кечади. Баъзан холецистит оқибатида пеританит, панкреатит, охлангит ва ўт пуфаги раки каби касалликлар келиб чиқади.

Касалликни аниқлашда лаборатория текширишлари ва холецистографияга асосланилади. Холецистит билан оғриган бемор касалхонада даволаниши ва парҳез сақлаши шарт. Айниқса, парҳезга қатъий риоя қилиш муҳим роль ўйнайди. Парҳез қовурилган, ёғли, шўр, аччиқ ва оғир таомлардан мустасно бўлиб, фақат ўсимлик мойларидан тайёрланган, витаминларга бой енгил таомлардан иборат бўлади. Кундалик овқатланиш рационида ёғ 60—70 грамм, оқсил 100 граммдан ошмаслиги лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу касалликда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва тамаки чекиш асло мумкин эмас. Асосан, ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш, сурункали тензилит, аёлларда учрайдиган айрим касалликларнинг олдини олиш учун ўт пуфагидан ўт суюқлигини ҳайдовчи (спазполитик) дорилар, минерал сувлардан Боржом, Ессентуки № 4 тавсия қилинади. Уй шароитида даволаш беморга ёрдам бермаса, бундай вақтларда врач маслаҳати билан иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Ш. ШОЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

НАФОСАТ ОЛАМИГА САЁҲАТ

УЧРАССОМ ИЖОДИ

Республикамиз рассомлар Союзининг Марказий кўргазма залида уч рассом ижоди кўзгармаси намойиш этилди. Учала рассом ўз ижод услубини мукаммал эгаллаган, узоқ изланишлар натижасида ижодий камолат остонасига қадам қўйган санъаткорлардир.

В. С. Паршин асосан графика санъати соҳасида ижод қилади. Унинг асарларига назар ташлар экан, совет графикаси, шу жумладан ўзбек графикаси тарихининг бой тажрибаларини, литва графика санъати элементларини ҳис этамиз. У яратган график асарлар содда, тушунарлилиги, чуқур маъноси билан алоҳида ажралиб туради. Рассом кўплаб асарларини халқ ўйинлари, достонлари, халқ санъати анъаналарини тасвирлашга бағишлайди. «Фарҳод ва Ширин учрашуви» асарида чизиқлар, штрихлар жуда ўринли танланган. Ширин ўз дугоналари билан отда келаётиб, Фарҳодни кўриб қолади. Фарҳод чеҳрасида севгилисини соғиниш, ҳижрон ўтида ёниш руҳи бор. Тасвирланган отлар эса асарга динамик бир руҳ беради. Рассомнинг «Навоий ва Гули», «Нажибуддин Самарқандий» асарлари ўз талқин услуби, ўтмиш ва келажакнинг боғланиши билан эътиборни тортади. «Улоқ», «Дорбозлар» асарлари ўзбек анъанавий ўйинларини жуда қизиқарли, бироз юмористик ҳолатда тасвирлайди. «Кураш» асарида ҳам яна ана шу халқ ўйинига мурожаат қилиб, уни санъаткорона тасвирлаган. «Пахта байрами»да эса меҳнатда бахт топган кишилар жуда жонли тасвирланган.

Қўргазмада ўзининг қизиқарли асарлари билан қатнашаётган рассомлардан яна бири Фаррух Кагаровдир. Рассом плакат жанрида айниқса самарали ижод қилиб келмоқда. У «Тинчлик учун курашда сатира» халқаро кўргазмасида қатнашиб қатор мукофотлар билан тақдирланган. Бу халқаро кўргазма Москвада 1969, 1973, 1977 йилларда ўтказилган эди. Маълумки, плакат санъати унчалик узоқ тарихга эга эмас. «Кўп жанрли», «Сиёсий», «Сатирик», «Ўқув-плакат» — булар ҳаммаси XX аср санъатидир. Плакат давр зиддиятларини, замон руҳини акс эттиради, партия ғояларини халққа тарғиб этишда муҳим роль ўйнайди. «Болалар ҳимояда» асарини кузатган кишининг нигоҳи бақувват катта қўлларга тушади. Қўллар қора булутни итариб нари сурянти, пастда эса уч бола ўтирибди. Бири негр, бири ўзбек, бири рус. Асардаги соддалик, шакл ва мазмун уйғунлиги рассомнинг узоқ изланиш ва тажрибалари маҳсулидир. Асар ғоясининг қувноқ, бахтли болаликни сақлашга қаратилган. Плакатчининг айрим асарлари ҳаётдаги камчилик ва нуқсонни юмористик сатира остига олади. Сиёсий плакатлари эса тинчлик учун курашга ундайди. Рассом санъати чуқур сиёсий ғоялар билан суғорилган. «Чили бугун, Чили эртага» плакатида жуда катта ижтимоий ғояларни илгари суради. Ранглар тафовути орқали ижтимоий ҳаёт зиддиятларини усталик билан кўрсатади.

Иван Енин ижоди ҳам ранг-баранг. У чизмакашликда ҳам, акварелда ҳам самарали ижод қилади. Рассом ижодининг ўзига хослиги жанрлар хилма-хиллигида, изланишларининг ранг-баранглигида, тасвирланаётган воқеликни кенг мушоҳада қилиниш образлар талқинида ёрқин намоён бўлади. Рассом ўз ижодида кўплаб мансаралар яратдики, уларда Қирғизистон ва Олтой табиати, қадимги рус шаҳарлари манзараси, ўзбек табиатининг ажиб онларини кўрасиз.

И. Енин санъат оламига мураккаб изланишлар билан кириб келди. У рус классик санъатининг тажрибаларини изчиллик билан ўрганди. Ҳозир у пухта ижодкорлардан бирига айланган. Айниқса, тарихий революцион картиналарида давр зиддияти, халқ кураши, унинг келажак орзулари тасвирланади. Бу жиҳатдан унинг «20 йил комсомолларни» деб номланган асари алоҳида аҳамиятга эга. Рассом бу асарини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишлайди. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги арафасида эса у «Баҳор», «Паранжини ўтга ташлаш», «Фрунзе Бухорода» асарларини яратди.

Қўргазмада иштирок этган учала рассом ҳар бири ўз изланишлари, бадиий услуби билан ажралиб турса-да, уларнинг мақсади битта. Ҳар бир санъаткорнинг нияти бугунги замондош ижодкорларини, унинг келажак ўйларини, улуғвор қадамларини акс эттириш. Санъатнинг чинакам ҳислати ҳам ана шунда.

М. КАРИМЖОНОВА.



«Илҳом» ижодкор ёшлар клуби республикамиз ёш мўйқалам усталари, театр, киночиларнинг севимли масканига айланиб қолди. Бу ерда ўтаётган қизиқарли учрашувлар, кўргазмалар, спектакллар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

СУРАТДА: ёш рассом Д. Матёвосиянинг кўргазмада намойиш этилган «Натюрморт» асари.

Ҳ. Мирзанаримов фотоси.



● ҲАР ФАСЛНИНГ ЎЗ ХИСЛАТИ БОР

ҚИШ ЛАВҲАЛАРИ

Осмондан қор ёғяпти, гўё ризқи-рўз дон ёғяпти...

Ўлкамизда қиш. Бутун борлиқ оқ чойшаб билан қоплангандек. Оппоқ пахта сингари қор зарралари ҳароратсиз қуёш нурида тобланиб кўзни қамаштиради. Осмонўпар бинолар тарновларида қотиб қолган сумалаклар биллур нури сингари ялтирайди. Кечагина қиш қишлигини қилмаётганидан шикоят қилиб юрган катталар ҳам, кўча ва йўлкаларда қор йўқлиги учун чана ва коньки учолмай аламзада бўлган кичкинтойлар ҳам бугун атрофга бахтиёр боқишади. Дам олувчилар маскани бўлган хиёбонлардаги доимо гавжум скамейкалар бугун эса ҳувиллаб қолган.

Ўлкамизда қиш. Она табиат сукунат қўйнида. Бойлигимиз пахтадан катта хирмон яратиш иштиёқида эрта-ю-кеч далада қолиб кетган донгдор механизатор қиз билан пахтакор йигит бугун меҳнат гаштини суришяпти. Ҳув ана, катта сув бўйида кечагина атрофга кокилини ёзиб турган, бугун эса яланғоч, мудроқ мажнунтол тагида улар бир-бирлари билан аҳду-паймон қилишаяпти. Ким билсин, қиш фаслида тобланаётган уларнинг ҳали жуда мурғак муҳаббатлари баҳор фаслига бориб куртак ёзар.

Ўлкамизда қиш. Бу фасл ўз фазилати ва саховати билан бошқа фаслларидан қолишмайди. Фарқи шундаки, бутун ёз бўйи ўз сахий бағрида бойлик яратадиган она ер қишда дам олади. Келгуси йил мўл ҳосили учун қуч йиғади. Осмондан ун сингари эланиб тушаётган қор зарралари эртанги ҳосил учун нақадар зарур эканлигини ич-ичидан ҳис қилган деҳқоннинг қувончи чексиз. «Ер тўйса, эл тўяди» деб бежиз нақл қилинмаганда, ахир.

Ўлкамизда қиш. Эрта тонгдан бошлабоқ кўча ва хиёбонларда чанғичи-ю, чана ишқибозларининг шод хандаклари янграйди. Бир тўда қувноқ ёшлар ясаган Қорбобо атрофга мағрур боқади.

Бугун Чимён тоғи қўйнида жойлашган туристик базага қадам ранжида қилган одам эса ҳайратдан ёқа ушлайди. Тик чўққидан ўқдек ўчиб бораётган моҳир чанғичиларнинг маҳоратига таҳсин ўқийди. Теварак атроф ишқибозлар билан гавжум. Қадам босишга жой йўқ. Дам олувчилар учун тайёрланаётган лаззатли таомларнинг ёқимли ҳиди томоқни қитиқлайди.

Ўлкамизда қиш. Осмондан паға-паға қор ёғяпти. Қор эмас, гўё ризқи-рўз пахта ёғяпти.

СУРАТЛАРДА: қиш манзаралари. А. Жумаев фотолари.



РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/I да **Анна Каренина**, 31/I да **Дон Карлос**, 1/II да **Бир антли балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/I да **Истеҳ**ном, 31/I да **Шошма қуёш!**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/I да **Нурхон**, 31/I да **Тошболта ошиқ**, 1/II да **Йиллар ўтиб.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/I да **Можаро.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа. Валерий КУЗЬМИН раҳбарлигидаги «Ўргатилган бўғма илон ва тимсоҳлар» аттракционининг гастролари.**

КИНО

30 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОМАДИНГИЗНИ БЕРСИН» — **Москва, Лисунов номли.**

«НАЙРАМДАЛ—ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**

«СОҒЛОМ БЎЛИШ САНЪАТИ» — **Қозоғистон.**

«ВОЛГА БЎЙИ» — **Нукус.**

«ҚОР МУЪЖИЗАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (17, 19.45, жавоб берувчи автомат телефон 44-39-51); **Чайка** (18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон 77-06-20); **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.45); **Нукус** (18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон 46-70-69); **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат телефон 35-24-92);

31 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НАЙРАМДАЛ — ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**

«СОҒЛОМ БЎЛИШ САНЪАТИ» — **Қозоғистон.**

«ВОЛГА БЎЙИ» — **Нукус.**

«ҚОР МУЪЖИЗАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Чайка** (11.30, 13.30, 16, 18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон: 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 78-47-25), **Нунус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 46-70-69), **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат телефон: 35-24-92), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.30, жавоб берувчи автомат телефон: 66-15-75), **Восток** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон: 91-14-61), **Москва** (11.30, 14, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат телефон: 33-05-01).

«ПОЛКОВНИК ЗОРИНИНИНГ ТАХМИНЛАРИ» — **Искра** (17.00, 20.00).

Ўзбекистон Давлат филармониясия

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ «ГУЗАЛ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА

СОЛИСТЛАР:

Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ.

Ҳасан КАРИМОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнора ОДИЛОВА, Гулнора АЪЗАМОВА, Раъно БУРОНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ГУЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туғғун ОТАБОЕВ.

Программани — Ойдин ТОҲИРОВА олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

«ТАШХЛЕБТОРГ»

КАФЕТЕРИЯ БЎЛИМЛАРИДА КОНДИТЕРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, НОН ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН 3 ОЙЛИК ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга 1- ва 2-ойда 52 сўм 50 тийин, 3-ойга эса 56 сўм стипендия берилади.

Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар, Тошкент шаҳар, Янгийўл, Оржоникидзе, Калинин районларида пропискада бўлган қиз ва ўғил болалар қабул қилинади.

Курсларни битирганларга Совет савдоси техникумига ва савдо институтига киришлари учун имтиёзлар берилади.

Курсларга кирувчилар: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмдаги 2 та фотосуратларни топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Тимирязев кўчаси, 2-уй (2, 16, 25-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри, 3, 22, 23, 29-трамвайлар, 19, 47-автобусларнинг «Ташхлебторг» бекатлари), кадрлар бўлими, телефон 35-41-31.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ВОЕННАЯ КНИГА» МАГАЗИНИ АҲОЛИДАН КИТОБЛАР СОТИБ ОЛАДИ

Қуйидаги бўлимлар бўйича антиквар ва букинистик нашрлар: бадиий адабиётлар, илмий (луғатлар, энциклопедиялар, справочниклар) **китоблар, китобшунослик, адабиётшунослик, ҳарбий мемуарлар, санъат, халқ оғзаки ижоди ва аҳоли ўртасида талаб катта бўлган бошқа нашрлар қабул қилинади.**

Магазин бадиий, болалар ва бошқа обуна нашрларини СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат нархлар комитети тасдиқлаган баҳоларда оширилган нархлар бўйича, мактаб дарсликларини СССР Маданият министрлигининг Бош нашриёти тасдиқлаган рўйхатлар бўйича сотиб олади.

1961— 1975 йилларда чоп этилган ва аҳоли ўртасида талаб катта бўлган совет ва чет эл бадиий адабиётлари, энциклопедиялар ва луғат нашрларини (каталог-прейскурантга киргмаган) нашр номеналидагидан икки ҳисса юқори баҳоларда сотиб олади. Белгиланган баҳоларда реализация қилишга келишилмаган тақдирда китоблар аҳолидан комиссияга топшириш учун қабул қилинади.

«Знамя», «Роман газета», «Иностранная литература», «Вокруг света», «Новий мир» ва аҳоли ўртасида талаб катта бўлган бошқа журналларнинг тўла комплектлари ҳам комиссияга қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Ўз шахсий кутубхонангизни диққат билан яна кўздан кечириб чиқинг ва Сизга бошқа зарур бўлмаган нашрларни «Военная книга» магазинига топширинг.

Китобларни топшираётганда ёнингизда паспортингиз ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат бўлиши лозим.

КИТОБГА ИККИНЧИ БОР ҲАЁТ БАҒИШЛАЙЛИК!

АҲОЛИДАН КИТОБЛАР СОТИБ ОЛАДИГАН МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Ленин проспекти, 40-уй. Иш вақти соат 10.00 дан 18.00 гача. Танаффус — 14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш кунлари якшанба, душанба. Телефонлар: 56-50-35, 56-29-93.

Луначарский шоссеси, 61-уй (Радио товарлари магазинида). Иш вақти соат 10.00 дан 19.00 гача. Танаффус— 14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш кунлари— якшанба, душанба. Телефон 66-13-20.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

30 ЯНВАРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 «Фан оламида». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР ва Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллигига. «Қизил майдондан Қизил дарёгача». Ҳужжатли фильм премьераси. Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси 1979 йил. 20.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мешчерин раҳбарлигидаги Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси электр музикали чолғу асбоблари ансамблининг концерти. 20.20 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевизион викторина. 23.25 «Дунё воқеалари». 23.40 Чанғи спорти бўйича СССР кубоги. Эркаклар. 50 км. Красногорскдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I.

17.50 Кўрсатувлар программаси, 17.55 «Сўз кетидан, сўз келар Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 18.30 Фан ва техника соҳасида 1979 йилги Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреатлари. 18.55 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.10 Олий лига аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — ТТУ (Ленинград). «Меҳнат резервлари» спорт комплекси залидан репортаж, (ёзиб олинган). 19.30 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани», Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Қишлоқ меҳнаткашларининг муҳим вазифалари». 22.20 Телевиденне экранида биринчи марта. «Бунинг менга даҳли йўқ». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

31 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Горнчилар, қаердасиз!» 10.35 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.45 А. Бородин. Иккинчи торли квартет. С. Танеев номли Давлат квартети ижро этади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 12.15 «Петр Капица ҳақида ҳикоялар». Телевизион ҳужжатли фильм. «Экран». Кўрсатув тугагач (13.00)— Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Дўстлик менинг уйим». Ҳужжатли фильм. «Центрнаучфильм». 15.40 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ». 16.10 «Рус тили». 16.40 «Биз билан бирга, ҳудди биздек, бизсан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.40 Халқаро конкурс лауреати В. Вишневский (фортепьяно) ижро этади. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

18.00 «Перуга йўл». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Экран». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Ленин номи билан». 20.00 «Халқ оҳангари». 20.15 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. премьераси, 3-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Хилма-хил чеҳралар». СССР халқ артисти И. Ильинский иштирокида телевизион фильм. 1971 йил. 23.15 «Дунё воқеалари», 23.30 «Биз ошиқ бўлганда». Фильм-концерт.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Зум-зум». Мультфильм. 11.45 «Том Сойернинг саргузаштлари». Телеспектакль (рус.). 13.00 «Маша ва айиқ». Фильм-опера. 13.35 «Бунинг менга даҳли йўқ». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қуён карами». Мультфильм. 18.30 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 18.50 «Ўзимизнинг ишчи депутат». Бекобод цемент заводининг экскаватор машинисти А. Ғойибназаров ҳақида телеочерк. 19.00 «Жанговар постда» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 20.50 «Раққоса ҳиром этганда...» Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Нўлдошева. Музикали кўрсатув. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик —зарбдор фронт». 22.20 Телевизион театр. В. Ольшанский. «Хат». 23.20 Олий лига аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати «Автомобилист» (Тошкент)— «Мединститут» (Одесса). «Меҳнат резервлари» спорт комплекси залидан репортаж (ёзиб олинган). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Эстетика асослари». «Санъат турлари. Рақс». 20.55 Реклама. 21.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

● ҲАР ФАСЛНИНГ ЎЗ ХИСЛАТИ БОР

ҚИШ ЛАВҲАЛАРИ

Осмондан қор ёғяпти, гўё ризқи-рўз дон ёғяпти...

Ўлкамизда қиш. Бутун борлиқ оқ чойшаб билан қоплангандек. Оппоқ пахта сингари қор зарралари ҳароратсиз қуёш нурида тобланиб кўзни қамаштиради. Осмонўпар бинолар тарновларида қотиб қолган сумалаклар биллур нури сингари ялтирайди. Кечагина қиш қишлигини қилмаётганидан шикоят қилиб юрган катталар ҳам, кўча ва йўлкаларда қор йўқлиги учун чана ва коньки учолмай аламзада бўлган кичкинтойлар ҳам бугун атрофга бахтиёр боқишади. Дам олувчилар маскани бўлган хиёбонлардаги доимо гавжум скамейкалар бугун эса ҳувиллаб қолган.

Ўлкамизда қиш. Она табиат сукунат қўйнида. Бойлигимиз пахтадан катта хирмон яратиш иштиёқида эрта-ю-кеч далада қолиб кетган донгдор механизатор қиз билан пахтакор йигит бугун меҳнат гаштини суришяпти. Ҳув ана, катта сув бўйида кечагина атрофга кокилини ёзиб турган, бугун эса яланғоч, мудроқ мажнунтол тагида улар бир-бирлари билан аҳду-паймон қилишаяпти. Ким билсин, қиш фаслида тобланаётган уларнинг ҳали жуда мурғак муҳаббатлари баҳор фаслига бориб куртак ёзар.

Ўлкамизда қиш. Бу фасл ўз фазилати ва саховати билан бошқа фаслларидан қолишмайди. Фарқи шундаки, бутун ёз бўйи ўз сахий бағрида бойлик яратадиган она ер қишда дам олади. Келгуси йил мўл ҳосили учун қуч йиғади. Осмондан ун сингари эланиб тушаётган қор зарралари эртанги ҳосил учун нақадар зарур эканлигини ич-ичидан ҳис қилган деҳқоннинг қувончи чексиз. «Ер тўйса, эл тўяди» деб бежиз нақл қилинмаганда, ахир.

Ўлкамизда қиш. Эрта тонгдан бошлабоқ кўча ва хиёбонларда чанғичи-ю, чана ишқибозларининг шод хандаклари янграйди. Бир тўда қувноқ ёшлар ясаган Қорбобо атрофга мағрур боқади.

Бугун Чимён тоғи қўйнида жойлашган туристик базага қадам ранжида қилган одам эса ҳайратдан ёқа ушлайди. Тик чўққидан ўқдек ўчиб бораётган моҳир чанғичиларнинг маҳоратига таҳсин ўқийди. Теварак атроф ишқибозлар билан гавжум. Қадам босишга жой йўқ. Дам олувчилар учун тайёрланаётган лаззатли таомларнинг ёқимли ҳиди томоқни қитиқлайди.

Ўлкамизда қиш. Осмондан паға-паға қор ёғяпти. Қор эмас, гўё ризқи-рўз пахта ёғяпти.

СУРАТЛАРДА: қиш манзаралари. А. Жумаев фотолари.

СПОРТ ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

«Меҳнат резервлари» спорт комплекси залида волейбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган аёллар командалари иккинчи давра ўйинларини давом эттиришмоқда. Шуни айтиш керакки, майдон эгалари дастлабки учрашувларда яхши маҳорат кўрсата олмадилар. «Автомобилист» командасининг қизлари биринчи куни мамлакат чемпиони «Уралочка» командаси спортчиларига 3:1 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Улар Киевнинг «Сокол» командаси билан бўлган учрашувда ҳам худди ана шундай ҳисобда мағлубиятга учрадилар. Бу икки мағлубият ҳамшаҳарларими з н и совриндорлар сафидан ўрин олиш имкониятидан деярли махрум қилиб қўйди.

* * *

Шахмат бўйича ўтказилган шаҳар биринчиси беллашувлари ниҳоясига етди. Ғолиблик учун бўлган баҳсларда шаҳардаги юздан зиёд энг кучли шахматчи қатнашди. Метрополитен механиги биринчи разрядли шахматчи В. П. Пашков энг яхши натижага эришиб, шаҳар чемпиони унвонини қўлга киритди.

* * *

Рус шашкаси бўйича аёллар ўртасида ўтказилган шаҳар чемпионати якунланди. Бу баҳсда «Ёш куч» жамиятининг вакили Н. Логачева ғолиб чиқди. У етти имкониятдан олти очко тўплашга муваффақ бўлди.

● ҚУИИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ФОЙДАЛИ МАШҒУЛОТ

Шаҳримизни иссиқлик қуввати билан таъминлаб келаётган корхонамиз ишчи ва хизматчилари самарали меҳнат қилиш билан бирга спортга ҳам эътибор беришмоқда. Спорт билан дўстлашганлар касалликка кам чалинишади. Шу боисдан корхонада мусобақалар ташкил қилишга катта аҳамият берилмоқда. Ўтган йили барча ишчи ва инженер-техник ходимлар ГТО нормативини бажаришга эришди. Корхонада спортнинг барча турлари бўйича секциялар ташкил этилган. Машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда.

— Шуни айтиш керакки, ҳар бир мавсумда маълум турни оммалаштиришга киришилади, — деди бизга корхона касаба союз комитетининг раиси Р. Меджитов.— Қишда стол тенниси, шахмат, шашка бўйича мусобақалар ташкил қиламиз. Бу беллашувларда ғолиб чиққанлар май ойида бўладиган республика энергетикаси корхоналари физкультура коллективларининг биринчилигида иштирок этишади. Шахмат бўйича ўтказилган мусобақада «Високовольт» массивидаги қозонхона вакили Г. Курджев ғолиб чиқди. Шашка ва стол тенниси бақслари эса ҳозир қизғин давом этмоқда. Шу кунларда чанғида учиш бўйича ҳам беллашувлар боряпти.

Корхона касаба союз комитети ва физкультура совети томонидан ҳар дам олиш кунларида Чимён дам олиш зонасига бориш уюштирилмоқда. Бу ерда ташкил қилинаётган турли спорт беллашувлари дам олувчиларнинг кайфиятини кўтариш билан бирга, уларнинг саломатлигини мустаҳкамламоқда. Шу йилнинг ўтган қисқа давр ида корхонада баскетбол, волейбол, футбол ва огир атлетика бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу беллашувларда транспорт, автоматика, ремонт цехларининг вакили бўлган С. Гасмутдинов, А. Мельникович, В. Сивоченко, Н. Жаринов, М. Ғайнулиллар яхши натижа кўрсатишди.

Барча цехларда ҳар куни икки маҳал ишлаб чиқариш гимнастикаси ўтказилмоқда. Бу тадбирларни амалга оширишда жамоатчи инструкторларнинг хизмати катта бўляпти. Жумладан, С. Ёқубов, А. Макеев сингари жамоатчи инструкторлар машғулотларни ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат усулларига мослаб ўтказишмоқда. Беш минут ходимларга катта ғайрат бағишлаяпти.

Тошкент область касаба союз комитети томонидан ўтган йили ташкил қилинган мусобақаларда корхона спортчилари муваффақиятли қатнашиб иккинчи ва учинчи даражали дипломлар билан мукофотландилар. Қисқаси, корхонада спортнинг барча турларини янада такомиллаштириш, уларни ишчиларнинг доимий ҳамроҳига айлантириш учун қизиқарли тадбирлар белгиланмоқда.

З. РУСТАМОВ, район қозонхоналари корхонасининг инженери.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ОҲ, МОДА, МОДА!

Мода ҳар бир кишини ҳаяжонга солади ва ҳаракатга келтиради. Агар дид билан бўладиган иш бўлса, унча тортишилмайди, мода устида эса, албатта тортишилади.

Тортишганда ҳам қандай! Мода ўзига диққат эътибор беришни доимо талаб қилади. Кўйлакнинг узунлиги ёки шимнинг кенглиги қандай бўлиши, кийимга мато танлаганда қайси рангдагисини танлаган маъқул?

Янги мода бирдан пайдо бўлмайди. Аввал у ўзининг биронбир диққатга сазовор томони билан кишини жалб этади, кейинчалик эса намойиш қилади.

Кейинги йилларда кенг услубдаги кийимлар кийиш одат тусига кириб қолган. Бу услуб тобора чуқурлашиб бормоқда ва янги йилнинг ҳозирги дастлабки кунларида янада янгича услубнинг вужудга келганлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин. 1980 йилги олимпия моделаларининг характерли хусусиятлари шундан иборатки, улар хушбичим ва спорт бичимидадир. Кичик шляпа, қўлқоп, узун, замонавий шарфлар бирга ликда ягона ансамбль ҳосил қилади.

Мода яратувчилар янги йилда олтинранг-қўнғир ва олчаранг мато жуда оммалашади, классик ва спорт усулда тикилган кийимлар киши диққатини тортади, демоқдалар.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА КИРИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

Магазинларда 4 сўм 70 тийин, 8 сўм, 12 сўм турадиган ацетат ва табиий газмолларнинг хилма-хиллари сотувга қўйилган. Бу газмоллардан кенг формадаги кўйлаклар, блузкалар ва бошқа кийимлар тикиш мумкин. Ацетат ва табиий шойидан тикилган тунги кўйлаклар аёлларга маъқул бўлган ҳар қандай материаллдан ҳам яхши, деб таъкидлашмоқда.

Қиш мавсуми учун костюмбоп газмолларни харид қилишни маслаҳат берамиз (баҳоси 13 сўмдан 20 сўмгача). Жинси матодан тикилган кийимлар ҳам қулай ва яраш иқли бўлади. Жинси матоси ёшлар ва катталар ўртасида ҳамон оммабоп бўлиб қолмоқда. Ундан шим, юбка, костюм, сарафан, кўйлаклар тикиш мумкин. Бу кийим-кечакларни кашта, уқа каби безаклар янада чиройли қилиб юборади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР! СИЗЛАРНИ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ГАЗМОЛ ХАРИД ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1 — «КИИИ М Л А Р УИИ»— Шота Руставели кўчаси, 13-уй.

8 — «ГАЗМОЛЛАР ВА КИЙИМЛАР УИИ»— Муқимий кўчаси, Оқтепа майдони.

12 — М. Горький майдони, 54-уй.

36 — Новомосковская кўчаси, 17-уй.

47 — Новомосковская кўчаси, 18-уй.

38 — Фарҳод ярмаркаси.

9, 10, 49 — Олой бозори.

18, 19, 22, 35— Октябрь бозори.

7 — Олмазор кўчаси, 69-уй.

74 — Госпиталь бозори.

40 — Халқлар дўстлиги проспекти, 34-уй.

53 — 1/2 Қорақамиш массиви.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

ЎЗ ИСТЕЪДОДИНГНИ ТОП

Шу нарса маълумки, ҳар бир катта ёшдаги киши бизнинг мамлакатимизда ҳар куни тўртта нарса харид қилади. Йил мобайнида бизнинг ҳаммамиз биргаликда ана шу мақсад учун 30 миллиард соатдан кўпроқ вақт сарфлаймиз.

Биз магазинга кириб сотувчи билан учрашамиз.

Сотувчи— у савдо эстетикаси, этика, экономика, товаршунослик билимларини эгаллаган кишидир: У харидор психологиясини билади, тез хизмат кўрсатади ва зарур маслаҳатлар бера олади.

Ҳар куни бир сотувчининг камида 150 харидорга хизмат кўрсатиши ва 200 дан кўпроқ консультация бериши ҳисоблаб чиқилган. Савдо кишидан истеъдод талаб қилади.

АГАР СИЗ СОТУВЧИ БЎЛИШГА ҚАРОР ҚИЛГАН ЭКАНСИЗ, САВДО БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Сизни бу ерда нафақат этика ва эстетика, балки товаршунослик асослари ва харидор психологияси, экономика, совет ва меҳнат ҳуқуқлари асосларидан лекциялар қутмоқда. Мураббийлар— ишлаб чиқариш таълими усталари, катта сотувчилар раҳбарлигида сиз бевосита мактаб-магазинда уч ойлик практикадан ўтасиз. Практика келажакдаги ишлар учун зарур тажриба ҳамда меҳнат кўникмаси беради.

МАКТАБ-МАГАЗИНДАГИ ЎҚИШНИ ТАМОМЛАГАЧ, СИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ СОТУВЧИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙСИЗ.

Мактаб-магазин маъмурияти курсни битирганларнинг ўқишни давом эттириш истакларини қўллаб-қувватлайди. Истеъдодли ларга Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига кириб ўқиш учун имтиёзли шарт-шароит яратиб берилади.

Мактаб магазинга 16 дан 25 ёшгача бўлган 8—10-синф маълумотига эга бўлган қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлиш шарт.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

МАКТАБ-МАГАЗИНДА ЎҚИЛГАН ОЛТИ ОЙ МУДДАТ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

«Ёшлик» мактаб-магазинига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги шаҳодатнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.) агар бўлса меҳнат дафтарчаси.

Бир вақтнинг ўзида ёшидан қатъий назар кассирлар тайёрловчи бир ойлик курсга ўқувчилар қабул қилинади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй, (1, 2, 5, 8, 12, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Справкаларни 33-75-48 номеридан телефон қилиш мумкин.

«ЁШЛИК» ОЗИҚ-ОВҚАТ МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

4 ТОШКЕНТ ҚЕЧ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-10; фан маданияти ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

30 ЯНВАРЬ, 1980 й. Р—12851. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64582 Нашр Б—2040.